БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 15 (19.091). ● 1985 йил 18 январь, жума ● Баҳоси 3 тийин.

«МОЛНИЯ-3» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Олис телефон-телеграф, радио алоқаси ситемасидан фойдаланишни, СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» ва халқаро ҳамкорлик тармоғи пунктларига юбориб турилишини таъминлаш мақсадида, 1985 йил 16 январь куни Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлдоши «Молния-3» учирилди.

Йўлдош шимолий ярим шарда апогейи 406553 километр ва жанубий ярим шарда перигейи 646 километр бўлган орбитага чиқарилди. Йўлдошнинг айланиш даври — 12 соат 16 минут, орбитасининг оғиши — 62,9 градус.

ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ИШИ

«Инсонинг ўзини ўзгартирмай туриб жамиятни революцион тарзда ўзгартириб бўлмайди. Партиямиз янги инсонни камол топтириш — коммунистик қурилишнинг жуда муҳим мақсадигина бўлиб қолмай, шу билан бирга энг зарур шарти ҳам эканлигига асосланиб иш тутмоқда». Ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумидаги докладини шу сўзлар билан бошлаган эди. Ана шу кўрсатмага оғишмай амал қилиб, партия ташкилотлари коммунизм идеалларининг ҳаққонийлигига ишончи комил совет кишиларининг янги авлодини тарбияламоқда. Яқиндагина бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида Пленумдан кейинги бир ярим йиллик фаолият чуқур таҳлил қилинди, тўпланган дастлабки тажрибалар умумлаштирилди. Ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарида баён этилган қонда ва хулосалар идеологик фаолиятни янада жўш урдириб юборди.

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми кўрсатмалари асосида республикада идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни давр талаблари даражасига кўтариш чоралари кўрилди. Партия комитетларининг фаолияти янги тажрибалар билан бойиди. Навоий область партия комитети коммунистик тарбия ишининг ташкилий системасини такомиллаштириб, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги, ленинча қардошлик руҳида тарбиялаш борасида самарали иш олиб бормоқда. Идеологик планеркалар, умуман, ғоявий-тарбиявий ишга ижодий ёндашиш, унинг натижадорлигини таъминлаш имконини яратаётир. Сурхондарё областининг айрим районларида йирик оммавий-сиёсий тарбия марказларини ташкил этиш борасида муайян иш қилинмоқда. Кўпгина партия комитетлари идеология фронти ходимларини янгиликни ҳис этиш, уларда ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларини ҳал қилиш учун ҳозиржавоблик, ҳамоҳанглик руҳини тарбиялашга эътиборни кучайтирдилар. Сиёсий ва иқтисодий таълим таъсирчанлигини ошириш йўлида кенг кўламли эксперимент ўтказилмоқда.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясига сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришда баъзи жойларда ҳали талайгина камчиликлар мавжудлиги ҳақида ҳам хат-хабарлар келиб турибди. Чунончи, маънавий тарбия соҳасидаги камчиликлар ёшларимизнинг айрим қисмида ижтимоий бурчни бажаришга лоқайдлик билан қараш кайфияти юзага келишига сабаб бўлмоқда. Молпарастлик, талон-торож, маҳаллийчилик, ҳизмат мавқеини суиистеъмол қилиш сингари турмуш тарзимизга тамомила зид ҳолатларга ҳали мутлақо барҳам берилгани йўқ. Тўғри, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари асосида бу борада жуда катта ва кенг кўламли иш олиб борилмоқда. Бироқ фактлар айрим шаҳар, бир қатор районларнинг партия комитетлари пленум қарорларини амалга ошириш, турмушда юз бериб келган салбий ҳолатларга кескин чек қўйиш йўлини изчил ўтказмаётганликларини кўрсатмоқда. Жумладан, Зомин район партия комитети фаолиятида шундай камчиликлар юз берди. Тарбияга комплекс ёндашув принципига риоя қилмаслик, сўз билан иш бирлигини таъминламаслик, ошна-оғайнигарчилик, муросасозлик шу райондаги савдо тармоқларида, хусусан тайёрлов идорасида кўзбўямачилик, товарсиз операциялар давом этиб келишига сабаб бўлди. Қашқадарё областининг айрим районларида атеистик тарбия суст.

Бир қатор районларда хўжасизлик, манфаатпарастлик, бошқалар ҳисобига, жамият ҳисобига шахсий бойлик орттириш ҳоллари ҳануз учраб турганлиги сир эмас. Бундай ғоявий-тарбиявий ишнинг самарадорлигини қатъият билан ошириб бориш асосида бутун хўжалик механизмини, тақсимот муносабатларини такомиллаштиришни, меҳнатга ижодий ёндашувни тарбиялаш ишини кун сайин, собитқадамлик билан олиб боришни тақозо этади.

Тарбия ишида майда-чўйда, катта-кичик нарса йўқ. Бу ўринда ҳамма нарса муҳимдир. Социал адолат тўла таъминланмаган жойда инсон камолотига яхши маънавий таъсир ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бинобарин, партия ташкилотлари ҳар бир меҳнат коллективида ўзаро талабчанликни, гражданлик бурчини чуқур ҳис этиш руҳини кучайтириб боришлари даркор. Ҳалол меҳнатни, чин маънодаги ижодий меҳнатни оқилона рағбатлантирмоқ, тартибсизлик, ўзибўларчилик, хўжасизлик кўринишларига муросасизликни ҳар томонлама кучайтирмоқ лозим.

Шуни унутмаслик керакки, хўжалик билан шуғулланиш аввало уни юритувчи, ташкил этувчи кишилар билан, меҳнаткашлар кенг оммаси билан, уларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси билан шуғулланиш демакдир. Биз меҳнаткашлар оммасининг онглилигини ошириш ва ғоявий эътиқодни чиниқтириш йўлида оғишмай иш олиб борганимиз тақдирдагина жуда катта ижодий кучларни, меҳнат аҳлининг ялпи ташаббускорлигини тўла ҳаракатга келтира оламиз.

Бутун идеологик, сиёсий-тарбиявий иш шунга қаратилмоғи лозимки, токи ҳар бир участкада, бригадада юксак уюшқоқлик, пухта тартиб-интизом қарор топсин, ҳар бир меҳнат коллективида дангасалик, ишга кечикиб келиш, ижро интизомини бузиш ҳоллари билан муроса қилмаслик муҳити вужудга келтирилсин. Бунда раҳбар ходимлар, ишлаб чиқаришнинг бевосита ташкилотчилари — мастерлар, бригадирлар, ўрта бўғин кадрлари зиммасига ғоят катта масъулият тушади. Зеро коллективдаги маънавий муҳит ана шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига, ўз бурчига муносабатига боғлиқ. Бир хўжалик ходимининг масъулиятсизлиги, ишда жон қўйдирмаслиги қанчадан қанча идеология ходимлари — пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар ва бошқалар кун сайин олиб борган ишларни самарасиз қилиб қўйишини асло назардан қочирмаслик керак.

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитет кейинги Пленумларининг идеология ишида комплекслиликни таъминлаш ҳақидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш партия ташкилотлари, идеология муассасаларининг ғоят муҳим вазифасидир. Партия сиёсий маорифи, иқтисодий таълим системасидаги машғулотлар, лекция пропагандаси, оғзаки ва кўргазмали агитациянинг барча воситалари, матбуот материаллари, радио ва телевидение эшиттиришлари ва кўрсатувларида умумий мушоҳаданарга, юзакичиликка қатъият билан чек қўйиш, идеология фронти жангчиларининг ҳар бир сўзи амалий аниқ мақсадларга қаратилиши, меҳнат коллективлари ҳаётидан олинган фактлар таҳлилига бой бўлиши лозим. Бу коммунизмнинг курашчан ғояларимизга садоқатли, меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлувчи ташаббускор қурувчиларини тарбиялаб камолга етказиш йўлидаги серқирра ишларимиз самарадорлигининг асосий омилидир.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

СССР Министрлар Совети Камбоджа Халқ Республикаси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Камбоджа Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Хун Сен Сенга телеграммаси йўллаб, унда Хун Сен Камбоджа Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси этиб сайланганлиги муносабати билан уни самимий қутлади ва Совет Иттифоқи билан Камбоджа Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳамда қалин ҳамкорлик муносабатлари Совет ва Камбоджа халқлари манфаатлари йўлида, жануби-шарқий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

(ТАСС).

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ВА БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

◆ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Намангандаги 2523-автоколонна коллективи КПСС XXVII съезди, Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, Ўзбекистон ССР Олий Советига бўлдирган сайловлар шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, меҳнатда кўпдан кўп ютуқларни қўлга киритмоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи йилида автотранспортчилар янада юксак маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Пландан ташқари 35 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериш ҳамда тежаб қолинган ёнилғи билан икки кун ишлаш учун ахд қилишган.

Автоколонна коллективи ўтган йили ҳам зарур халқ хўжалик юкларини манзилга етказиб беришда катта муваффақиятларни қўлга киритган эди. Улар қўлга киритилган муваффақиятларни яна ҳам мустаҳкамлаб, йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб юксак меҳнат унумдорлигига эришаётирлар. Ўтган йили 30 минг тоннадан ортиқ қўшимча юк ташиб берилган эди. Автомобиль корхонасида кенг авж олган социалистик мусобақада илғор шофёрлардан Тожимирза Нурмирзаев, Раҳим Сафоев ва Маҳмуджон Имомовлар графикдан ўзиб ишлаб, энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Суратда: автоколонна бошлиғи Содиқ Собиржонов бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарган шофёрлардан Тожимирза Нурмирзаев ва Раҳим Сафоевни катта меҳнат ғалабаси билан қутламоқда.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ХАЛҚ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Ўзбекистонда ўтказилаётган округ сайловолди кенгашларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар яқдиллик билан қўллаб-қувватланди: Тошкент грампластинкалар заводининг гальваниги **Алефтина Ивановна Шамсуддинова**, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **Ахтамбек Иброҳимович Фозилбеков**, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони **Владимир Геннадьевич Шканакин**, Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари **Уммат Маматқулович Мирзақулов**, Тошкент областидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхознинг чорвадор-оператори **Рисқибу Усмоновна Эгамбердиева**, Тошкент областидаги Охунбобоев номли совхоз директори **Аппаз Есхўжаевич Бакиров**, Бухоро область Ғиждувон районидаги К. Маркс номли колхоз бригадири **Икром Толибов**, Бухоро область ижроия комитетининг раиси **Нурулло Нарзуллаев**, Қарши шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Валерий Александрович Лозицкий**, Қашқадарё областидаги Партия XX съезди номли совхознинг сут соғувчиси **Холбиби Худдиевна Хозарова**, Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари **Александр Сергеевич Воеков**, Наманган районидаги Партия XXII съезди номли колхоз правлениесининг раиси **Абдураҳим Ҳалимов**, Наманган область Норин районидаги Ильич номли колхоз звено бошлиғи **Минавархон Абдулахадовна Абдувоҳидова**, Наманган областидаги Фрунзе номли совхоз ишчиси **Муқаддам Абдураҳмоновна Оқилова**, Ангор район партия комитетининг биринчи секретари **Шарофат Қурбоновна Назарова**, Сариосиё районидаги Энгельс номли 3-ўрта мактаб директорининг ўринбосари **Тансия Михайловна Тусеева**, Хоразм область Урганч районидаги Ленин номли колхоз правлениесининг раиси **Сотим Қаландаров**.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш яқдиллик ва жипслик вазиятида давом этмоқда.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Владислав Николаевич Колесников** 1-Фурманов сайлов округидан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **Лариса Владимировна Дмитриенко** 5-Подмосковье сайлов округидан, «Ташсельмаш» заводининг директори **Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов** 45-Сельмаш сайлов округидан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори **Виталий Николаевич Снегдин** 60-Олтинтопган сайлов округидан, Бекобод цемент комбинатининг машинисти **Тимур Анварович Тошмуҳамедов** 66-Фарҳод сайлов округидан, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **Сергей Михайлович Нестеренко** 68-Пролетар сайлов округидан, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз бош агрономи **Дадақўзи Каримов** 90-Назарбек сайлов округидан, Ўзбекистон ССР маориф министри **Ойдин Солиҳовна Аббосова** 102-Саид сайлов округидан, Ўзбекистон ССР маданият министри **Заҳро Раҳимбобоева** 108-Келес сайлов округидан, Тошкент областидаги Партия XXIV съезди номли совхоз сут соғувчиси **Бубихон Мусировна Норқулова** 112-Эски Тошкент сайлов округидан, Андижон область Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз правлениесининг раиси **Мамажон Ҳамроев** 124-Кўмакай сайлов округидан, Андижон областидаги Ленинск ғалла маҳсулотлари комбинатининг лаборанткаси **Ирина Александровна Балло** 144-Ленинск сайлов округидан, «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг бошлиғи **Алихон Раҳматович Отажонов** 174-Газли сайлов округидан, Ўзбекистон ССР тайёрлаш министри **Ҳушвақт Ражабович Қўйбоқаров** 234-Ленинград сайлов округидан, Қашқадарё область Яккабоғ районидаги «Коммунизм» колхози аъзоси **Майрам Ражабова** 243-Сандал сайлов округидан, Навоий область ижроия комитетининг раиси **Убайт Асатов** 253-Навбаҳор сайлов округидан, СССР 50 йиллиги номли Навоий кон-металлургия комбинатининг директори **Анатолий Анатольевич Петров** 262-Учқудуқ сайлов округидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Иброҳим Камолович Ҳуснидинов** 263-Марказий сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг раиси **Мирғиёс Аббосович Зоидов** 272-Чортоқ сайлов округидан, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси **Жавлат Юсупович Умарбеков** 277-Тергочи сайлов округидан, Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Эргаш Ғофурович Ғофуржонов** 300-Университет сайлов округидан, СССР 60 йиллиги номли Самарқанд «Кинап» заводининг монтажчиси **Елена Анатольевна Кирмарова** 307-Октябрь сайлов округидан, Самарқанд областидаги «Оқдарё» совхозининг сут соғувчиси **Нуринисо Мамирова** 314-Оқдарё сайлов округидан, Ўзбекистон ССР аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри **Виталий Павлович Куксенко** 315-Янгиқўрғон сайлов округидан, Самарқанд областидаги ВЛКСМ 60 йиллиги номли совхоз механизатори **Абдурауф Бекбоевич Аллашов** 316-Большевик сайлов округидан, Ўзбекистон ССР мева сабзавот хўжалиги министри **Раҳматулла Абдуллаев** 317-Булунғур сайлов округидан, Самарқанд областидаги Фозил Йўлдош номли совхоз ишчиси **Қулжамила Ороллбековна Абдиқодирова** 819-Совхоз сайлов округидан, Самарқанд область Иштихон районидаги «Зарафшон» колхозининг аъзоси **Норбуви Ҳайдарова** 323-Митан сайлов округидан, Ўзбекистон ССР молия министри **Ислом Абдуғаниевич Каримов** 328-Қорадарё сайлов округидан, Пахтачи район партия комитетининг биринчи секретари **Туроб Номозов** 342-Пахтакор сайлов округидан, Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз правлениесининг раиси **Ҳикмат Асадов** 347-Бўғибаланд сайлов округидан, Самарқанд область ижроия комитети раиси вазифасини ижро этувчи **Абдуваҳоб Абдусаматович Йўлдошев** 348-Даштакиболо сайлов округидан, Сурхондарё область Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози правлениесининг раиси **Эшмўмин Останақулов** 369-Москва сайлов округидан, Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари **Абдуллажон Турдиқулов** 388-Димитров сайлов округидан, Охунбобоев номидаги Қўқон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-мотористи **Лобар Акрамовна Ҳасанова** 411-Ленин сайлов округидан, Фарғона областидаги «Риштон» совхози пиллачилик бригадасининг бригадири **Саодатхон Ёқубова** 440-Риштон сайлов округидан, Фарғона область Ўзбекистон районидаги Ғафур Ғулом номли колхоз правлениесининг раиси **Анвар Имомназарович Эркабев** 448-Яйпан сайлов округидан, Хоразм область ижроия комитетининг раиси **Қаландар Сапаев** 460-Боғот сайлов округидан, Хонқа район партия комитетининг биринчи секретари **Маркс Жуманиёзов** 471-Хонқа сайлов округидан, Хоразм область Шовот районидаги Чкалов номли колхоз механизатори **Бекажон Сапарбоевна Худойбергенова** 476-Шовот сайлов округидан, Кегайли район партия комитетининг биринчи секретари **Сейтназар Ержонов** 490-Кегайли сайлов округидан, «Тахияташтгидроэнергострой» қурилиш бошқармасининг кранчиси **Людмила Алексеевна Клешчева** 502-Тахиатош сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органига депутатликка номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ «РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА ҚЎТАРАЙЛИК» АСАРИНИ ЎҚИБ

ИШИМИЗ САМАРАДОРЛИГИ

... Экономика соҳасини олиб кўрайлик. Унинг ҳозирги қиёфасини илғор техника ва технология билан қуролланган, оқилона ташкил этилганлиги ва юксак меҳнат унумдорлиги билан, ишлаб чиқаришнинг юксак иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб турувчи бирлашмалар, корхоналар тобора кўп даражада белгилаб бермоқда.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

Совет халқи улуғ Коммунистик партия раҳбарлигида қисқа давр мобайнида оламшумул ғалабаларга эришиб, ривожланган социализм барпо этди. Эндиликда коммунистик жамият қуриш йўлидан дадил бормоқдамиз. Лекин олдимизда бажариладиган улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни тўғри ҳал этиш ва жамиятимиз тараққиётининг янада олға силжишини таъминлашда Коммунистик партиямиз барча соҳаларда катта фаолият кўрсатяпти.

Бу борада КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг серқирра фаолияти, айниқса, диққатга сазовор. Унинг кўплаб асарлари, мақолалари марксизм-ленинизм назариясини бойитиш, социализмдан коммунизмга ўтиш қонуниятларини замон талаби нуқтаи назаридан ижодий ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшиляпти. Ўртоқ К. У. Черненконинг яқинда матбуотда чоп этилган «Социализм талаблари даражасига кўтарайлик» номли мақоласида ривожланган социализм шароитида КПССнинг назария, стратегия тактикаси муҳим масалалари чуқур таҳлил қилиб берилган.

Мақолада иқтисодий вазифаларни «...ҳал этиш — орқада қолиб келаётган участкаларни, айниқса, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаси каби тармоқларни илғорлар даражасига «етказиб олиш», бутун халқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, унинг ҳамма тармоқларини интенсивлаштириш ишида ҳал қилувчи бурилиш ясаш демакдир», деб жуда тўғри таъкидланади.

Бу вазифаларни бажариш йўлида хўжалигимизда қандай тадбирлар амалга оширилмоқда? Масалан, ўтган йили давлатга пландаги 7280 тонна ўрнига 7416 тонна пахта топширилди. Шунинг 85 проценти биринчи ва иккинчи сортларга, 3 минг тоннаси уруғликка қабул қилинди. 1952 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 3 минг сўмдан даромад олинди. Колхоз бўйича олинган умумий даромад 8,5 миллион сўмдан ортиб кетди.

Бир гектар ердаги пахтадан — 926 сўм, сабзавотдан — 2223 сўм, мевадан — 1245 сўм соф фойда олдик. Колхознинг рентабеллик даражаси 33,5 процентга етди. Пиллачилик, чорвачилик ҳам фойда келтирадигган тармоққа айланди. Колхозда бир иш кунининг қиймати 7 сўм 10 тийинга тўғри келди. Колхозчилар асосий иш ҳақининг бир сўмига 1 сўм 20 тийиндан қўшимча ҳақ олишди.

Колхоз экономикасининг мустаҳкамланиши меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашга имкон бермоқда. Қишлоқларимиз обод бўлаётир. Хутор системаси деярли тугатилди. Аксарият аҳоли замонавий уйларда яшаяпти. Қишлоғимизда музей, маданият саройи, 6 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, 8 та чойхона, 6 та новвойхона бор.

Ўртоқ К. У. Черненконинг мақоласида партиянинг кадрлар сиёсати ҳақида принципиал гаплар бор. Биз кадрларни танлаш, тарбиялаш борасида ҳам ибратли ишлар қилдик. 26 та пахтачилик, 3 та сабзавотчилик, 2 та боғдорчилик бригадаларига яшчан, серғайрат кадрларни бошлиқ қилиб қўйганмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми партия ва давлат интизомини, кадрлар билан ишлашни ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш масъулиятини вақтида, принципиал муҳокама қилди. Аҳволни яхшилашга қаратилган тегишли чора тадбирлар кўрилди. Лекин, ҳали жойларда оз бўлсада нопок, ўз манфаатини кўзлайдиган, таъмагир раҳбарлар бор. Бундай кадрларнинг бахридан ўтиш керак. Хўжалик раҳбарларини тўғри танлаш, уларнинг масъулиятини ошириш лозим. Биз шу йўлдан боряпмиз. Уларга талабчанликни муттасил ошираяпмиз.

Колхозимизда партия йиғилишлари, правление мажлислари ҳамиша танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтади. Колхозчилар, коммунистлар дилидаги гапларни, фикр-мулоҳазаларни дадил айта оладилар. Биз уларга қулоқ соламиз. Фойдали таклифларни амалга оширамиз. Колхоз партия ташкилоти ҳисобида 275 нафар коммунист бор. Уларнинг аксарияти ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида ташаббус кўрсатиб ишламоқда.

Айни кунларда колхозимизда агротехниканинг қишки ишлари қизғин давом этяпти. Ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқарилмоқда. Техника воситаларини кўкламги мавсумга тахт қилиб қўйдик. Чорва қишловини намунали ўтказиш билан моллар маҳсулдорлигини ошириб боришга эришяпмиз. Мақсадимиз партия кўрсатмаларига амал қилиб, коммунистик мўл-кўлчиликка муносиб ҳисса қўшишдир.

Абдусамат ТИЛЛАБОЕВ,
Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПИЛЛАЧИЛИКНИ САНОАТ НЕГИЗИГА КЎЧИРАЙЛИК

17 январь куни Тошкентда пиллачиликка бағишланган Бутуниттифоқ мувофиқлаштирувчи кенгаши ўз ишини якунлади. Россия Федерацияси, Украина, Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Молдавия ва Туркманистондаги илмий муассасаларнинг вакиллари 1984 йилги илмий тадқиқотларнинг якунларини муҳокама қилдилар, узоқ муддатга мўлжалланган ишлар программасини кўриб чиқдилар. Бу программада пиллачиликда асосий жараёнларни комплекс механизациялаш асосида пилла етиштиришнинг юксак самарали зона технологиясини ишлаб чиқиш кўзда тутилади.

Кенгаш қатнашчилари пилла қуртининг сермаҳсул гибридларини вужудга келтириш, тут дарахтининг серҳосил навларини яратиш борасида тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар. Тармоқни саноат негизига кўчириш билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ М. РАҲИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ВА ЎРТОҚ Б. ҚУРБОНБОЕВНИ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Мадамин Раҳимов Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари ва ўртоқ Болтабой Қурбонбоев ўринбосари қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 17 январь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Б. Ғ. ОЛИМЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ЮСТИЦИЯ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Баҳодир Ғуломович Олимжонов Ўзбекистон ССР юстиция министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри. 1985 йил 17 январь.

ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА БЎЛАЙЛИК!

Бугун республика партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асари бўйича «Илмий коммунизм назариясига буюк ҳисса» мавзуида ягона сиёсий кун ўтказилади.

Шонли Ленин партияси ўзининг навбатдаги, XXVII съездига тайёргарликни қизғин тус олдириб юборди. Ҳар бир йирик воқеа арафасида бўлганидек, ҳозир ҳам Коммунистик партия давр моҳиятини, янги ва мураккаб вазифаларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиб, ўз аъзолари, меҳнаткашларнинг кенг қатлами билан амалга оширилган ишлар, тараққиётимизнинг яқин истиқболига мўлжалланган режалари хусусида фикрлашиб олмоқда.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик. КПСС назария, стратегия ва тактикасининг баъзи актуал проблемалари» асарида партия ва халқ босиб ўтган йўлни мушоҳада этиш асосида ишимизнинг ҳозирги аҳволига илмий баҳо берилди, коммунистик қурилишнинг янги ва жуда мураккаб вазифалари таърифланди. Бугун республика партия ташкилотларида ўтадиган «Илмий коммунизм назариясига буюк ҳисса» мавзуидаги ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари, партия ва совет органларининг сайлаб қўйилган активи, раҳбар ходимлар меҳнаткашларга ана шулар ҳақида гапириб берадилар.

«Каршистрой» бошқармаси партия ташкилотида ягона сиёсий кунлар ўюшқоқлик билан пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилаётир. Чўлқуварларнинг партия, совет, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувлари ҳамиша қизиқарли ўтмоқда. Уларда Қарши чўлини комплекс ўзлаштиришнинг етилган муаммоларини ҳал қилиш йўллари белгилаб олинмоқда.

Суратда: «Каршистрой» бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Н. Шукуров (ўртада) Ленин комсомоли мукофоти лауреати Рўзи Мустафоқулов бошлиқ бригада аъзолари даврасида суҳбат ўтказмоқда.

В. КАЗАНЦЕВ ВА Ш. ШАРОПОВ фотоси. (ЎзТАГ).

КОММУНИСТ МАКТУБИ

Шижоат

Коммунистлар партия сафига қандайдир обрў, иззат-ҳурмат ёки имтиёз учун эмас, балки социализмнинг юксак идеалларига, халқ манфаатларига хизмат қилиш учун ўтадилар. Уларнинг ягона имтиёзи бор: бу ҳамиша олдинда, ҳамиша энг қийин участкада бўлиш.

Сурхон-Шеробод чўллари коммунистларнинг мана шу фидойилиги, улкан ишга байроқдорлиги туфайли гуллаб-яшнамоқда. Ёлғиз бизнинг колхозимиздагина ўнлаб мўл ҳосил усталари, қобилиятли ташкилотчилар вояга етди. Алиқул Мардаев шуларнинг бири. У олий маълумотли агроном бўлишига қарамай пахтачилик бригадасига ўтиб ишлаш истагини билдирди. У раҳбарлик қилаётган коллектив ингичка толали пахта чигитини капсулалаб экиб, кейинги йилларда ҳосилдорликни 6 центнерга кўтарди.

Колхозимиздаги Маъмура Холбоева раҳбарлик қилаётган алмашлаб экиш участкаси пахтакорлари ҳам ўтган йили планни биринчилар қаторида бажаришди. Коммунист Ҳамро Шеров ҳам меҳнатда алоҳида ибрат кўрсатаётир. Колхозимиз коммунистларининг деярли ҳаммаси ишлаб чиқаришда авангардлик намуналарини кўрсатмоқда.

С. ОЛТИБОЕВА,
Ангор районидаги Калинин номли колхоз алмашлаб экиш участкасининг бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

Хўжаликка раҳбарлик

САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

«Партия комитетлари ўз иш услубларини қунт билан такомиллаштира бориб, давлат ва хўжалик органларининг иш услубига ҳам фаол равишда таъсир кўрсатишлари лозим. Энг аввало, ўз ишини намунали тарзда йўлга қўйиш, талабчанликни ошириш билан таъсир кўрсатиш зарур».
К. У. ЧЕРНЕНКО.

Шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ўртоқ К. У. Черненконинг мақоласида баён этилган қоида ва хулосаларни чуқур ва атрофлича ўрганишни ташкил этмоқдалар. Бугунги ягона сиёсий кун ҳам шубҳасиз шу йўналишдаги муҳим босқич бўлади. Мақолада меҳнат унумдорлигини ошириш, янгича шароитларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг жуда катта омилларини ишга солиш, қувватлардан тўла фойдаланиш, фан-техника ютуқларини жорий этиш, интизомни мустаҳкамлаш масалалари мукаммал ёритиб берилган.

Биз меҳнат коллективларида вужудга келаётган ватанпарварлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, мусобақани ташкил этишдаги расмиятчилик, ўзибўларчилик ҳолларига барҳам бераётирмиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумларида ҳам экономикани жадал ривожлантиришнинг таъсирчан ва амалий омили — социалистик мусобақани ташкил этишдаги юзакичилик кўринишларига чек қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Ишлаб чиқариш суръатлари ва сифатини кўтаришда социалистик мусобақанинг ижодий моҳиятини кучайтириш ҳамиша эътиборимизда. Бу ишни яхшилаш масалалари партия комитетлари ва бюроларининг мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида мунтазам қараб чиқилмоқда.

«Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пишитув-тўқимачилик фабрикасидаги аҳвол кўпдан буён ташвишлантириб келарди. Бу ерда юз бераётган қолоқлик бошқа бўлинмаларнинг ишига ҳам таъсир кўрсатаётганди. Ўшанда шаҳарком бюроси фабрикадаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб чиқди. Партия комитетининг эътибори коммунистларни резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш учун курашга сафарбар этишга, мусобақани ташкил этишдаги юзакичилик ва расмиятчиликни тугатишга, меҳнаткашларнинг куч-ғайратини меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор тажриба ва фан-техника ютуқларини кенг жорий этишга йўналтириш лозим эканлигига қаратилди.

Бугунги ягона сиёсий кунда социалистик мусобақанинг ошкоралиги, натижаларни таққослаш, илғор тажрибаларни амалда такрорлаш проблемалари хусусида ҳам ленинча принципиаллик билан сўз юритилиши табиий. Шаҳримизда худди шу хусусда ҳам муайян тажриба тўпланган. Яна ўша «Атлас» бирлашмаси мисолига қайтамиз. Бирлашмада мусобақа натижалари ўз вақтида якунланади. Кўргазмали агитация ва ахборотнинг бошқа воситалари орқали бу якунлар ҳар бир ишчи эътиборига етказилади. Энг муҳими, мусобақа ҳар бир коллективда онгли интизомни, ижодкорликни кучайтиришга ёрдам беришига қаратилади. Шундай ишчанлик муҳити, ижодкорлик муҳити, ишга ижодий муносабат муҳити қарор топаётганлиги туфайли Мукаррамхон Каримова, Мадраҳимжон Мўйдинов, Эдие Аметова, Маҳмуд Зиннатулин сингари коммунистлар вақтдан ўзиб меҳнат қилишаётир. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Мукаррамхон Каримова хизмат зонасини зичлаштириб, ҳозир 12 та дастгоҳни моҳирона бошқаряпти. Айни пайтда у тўқиётган хонатласнинг сифати юқори. Қизиқарли бир факт: беш йилликнинг ўтган даврида Мукаррамхон тўқиган атлас билан 75 мингдан зиёд аёлни кийинтириш мумкин. Ҳозирги кунда бу ташаббускор тўқувчи ўн учинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот тоширимоқда. Умуман, шаҳримизда икки мингдан зиёд коммунист, 28,3 минг меҳнатчи беш йиллик шахсий топшириғини муддатидан олдин бажариш учун курашмоқда.

Биз социалистик мусобақага раҳбарликнинг усул ва услубларини такомиллаштира бориб, муайян тажриба орттирдик, албатта. Айни пайтда корхоналарнинг, қурилиш ташкилотларининг ўзида ҳам уюшқоқлик, ташаббускорлик, ишга ижодий муносабат муҳитини яратиш учун бошланғич ташкилотларнинг иш услубини такомиллаштириб бориш лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Ягона сиёсий кунда экономикага раҳбарлик соҳасидаги ишимизда ҳам юз бераётган камчиликлар рўй-рост тилга олинади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ҳам бизни хотиржам бўлиб қолмасликка, иш натижаларини муттасил таҳлил қилиб боришга, асосий диққат-эътиборни ҳал қилинмаган масалаларга қаратишга даъват этаётир. Бундай вазифалар эса ҳали оз эмас. Чунончи, маҳсулот сифатини олиб кўрайлик. Шаҳримиздаги йирик шойи комбинатида шу соҳада юз бераётган қолоқлик туфайли, умуман, шаҳримизда давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш плани бажарилмаяпти. Шойи комбинати, экспериментал-механика, автомобиль ремонти, ёғочсозлик заводларида ҳам шартнома бўйича маҳсулот етказиб бериш планлари уддаланмаётир. Чунки, бу корхоналарда машина ва ускуналарнинг бир қисми маънавий жиҳатдан эскириб қолганлиги ҳам самарадорликка салбий таъсир кўрсатаётир.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги шойи комбинати ва «Атлас» бирлашмаси коллективларига мўлжаллаб уй-жойлар, маданий-маиший ва мактабгача тарбия муассасалари учун бинолар қуриш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ўзибўларчиликка, бепарволикка йўл қўймоқда. Ўрни келганда Маҳаллий саноат министрлигининг эътиборсизлиги оқибатида чўян қуйиш заводини реконструкциялаш 13 йилдан буён судралиб келаётганлигини ҳам айтиш мумкин.

Бу проблемаларнинг ҳал этилиши ишлаб чиқариш кўрсаткичларини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга, оммани меҳнатга онгли, коммунистик муносабат руҳида тарбиялашга, бутун кучни беш йилликни муваффақиятли якунлаб, партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этишга ёрдам беради.

Ҳ. ЭРГАШЕВА,
Марғилон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

МАНФААТЛАР МУШТАРАК БЎЛСИН

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ўз чўнтагини давлат кассаси билан адаштириб қўйган айрим шахсларнинг турмуш тарзимизга зид хатти-ҳаракатлари кескин қораланди. Шу ўринда бир йигитнинг тақдири ғоят ибратли бўлганлигини эслайман. Қўшиб ёзиш, бажарилмаган ишни бажарди, деб кўрсатиш, умуман меҳнатни ташкил этишдаги тартибсизликлар уни қора курсига ўтқазди. Беш-олти йил олдин бу ёш қурувчи бригадирликка кўтарилганди. Дастлаб у ҳалол меҳнати билан бахтиёр эди. Бора-бора кўзбўямачиликка, қалбаки нарядлар тўлдиришга ўтиб олди.

Нега шундай бўлади? Нега баъзилар нопок йўлга осонгина кириб кетишади? Менимча, буларнинг ҳаммаси тарбия ишимиздаги нуқсонлар оқибатидир. Бугунги сиёсий кунда мана шу хусусда ошкора фикрлашиб олинади, албатта.

И. АБДИЕВ,
Пастдарғом районидаги 44-мактаб ўқитувчиси.

АНДИШАМИ, ЖУРЪАТСИЗЛИК

● Мен кўп йиллардан буён партия сиёсий маорифи системасидаги мактабларда пропагандистман. «Билим» жамиятининг лектори, қишлоқ Советининг депутати, касаба союз комитетининг аъзоси сифатида кўп ишларда қатнашаман. Баъзи пайтлари суҳбат чоғида шундай саволларга дуч келаманки, уларга жавоб беришга очиғи қийналаман. Айтайлик, малакали инженер, агроном, ўқитувчи билан айрим колхоз раиси, қолаверса оддий бир савдо ходимининг турмуш шароити ўртасида катта фарқ бор. Бири ўз меҳнати эвазига камтарин ҳаёт кечиради. Бошқаси эса, данғиллама уйлар қуриб, машинасини қайта-қайта янгилаб дабдабали тўй маросимларни нишонлайди. Нега бундайларга нисбатан тегишли чора кўрилмайди, деб сўрашади.

Биз мана шу сингари саволлар олдида андишага бормаслигимиз, қаллоблар, ўз шахсий манфаатини коллектив, жамият манфаатидан устун қўювчиларнинг сирларини фош қилишимиз лозим

Х. ХОЛМАТОВ,
Балиқчи район марказий касалхонасининг врачи.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

● Республикамизда ягона сиёсий кунларни ўтказиш тажрибаси ўзини оқламоқда. Меҳнаткашлар сайлаб қўйилган раҳбарлар билан учрашувлар чоғида ўзларини қизиқтираётган кўпдан кўп саволларга жавоб олмоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко асарини ўрганишга бағишланган бугунги учрашувлар ҳам ҳар бир иш жойида интизомни, тартибни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кези келганда мен комсомол ишидаги юзакичилик, ўзибўларчилик фактларига эътиборни қаратмоқчиман. Комсомолга қабул қилишдаги индивидуаллик принципи бузилаётганлиги, ёшларни тарбиялаш ишида тадбирбозликка зўр берилаётганлиги сир эмас.

С. МУХТОРОВ.
Шофиркон райони.

ЮЗАКИЧИЛИК ТУГАТИЛСИН

● Ривожланган социализм даврида ҳаёт илгари сураётган вазифаларни ҳар томонлама баркамол кишиларгина муваффақиятли амалга ошира оладилар. Бинобарин, тарбия ишида озгина бўлса-да лоқайдликка йўл қўйиш жамиятимиз учун кўнгилсиз ҳолларга олиб боради.

Ўттиз йилдан буён ўқитувчиман. Аммо, кейинги йилларда маориф ишида содир бўлаётган нуқсонлар кўплар қатори мени ҳам ташвишлантирмоқда. Синфдан-синфга ёппасига ўтказиб юбориш, билим «сифати»ни ошириш учун баҳоларни сунъий равишда ошириш бунга асосий сабаб бўляпти. Биз ёшларнинг ўқишга, пухта билим олишга интилишини кучайтиришимиз лозим.

Қ. ТЎЛАБОЕВ,
Тошкент шаҳар 230-мактабининг методист-ўқитувчиси.

Ишчи позицияси

АСОСИЙ КУЧ

«Партиянинг кучи ва обрў-эътибори — ҳар бир коммунистнинг обрў-эътиборидир, унинг шахсий намунаси кучидир. Кишилар кўпинча коммунистнинг ишларига ва ҳулқ-атворига қараб партия ҳақида, унинг сиёсати ва идеологияси ҳақида фикр юритадилар. Шунинг учун ҳам партия аъзоси деган номни ва унинг обрўсини эъзозлаш ҳамда юқори кўтариш муҳимдир».
К. У. ЧЕРНЕНКО.

Фабрикамиз коммунистлари, барча пойабзалчилар КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизғин тус олдирмоқдалар. Илғор бригадаларнинг коллективлари съезд шарафига оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, иш вақтидан, хом ашёдан, техника қувватидан оқилона фойдаланишнинг янги-янги резервларини қидириб топмоқдалар.

Пойабзалчилар партиянинг меҳнат унумдорлигини планга нисбатан бир процент ошириш, маҳсулот таннархини 0,5 процент арзонлаштириш юзасидан қўйган вазифасини бажариш йўлида тобора фаол изланмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили шу ҳисобдан корхонамиз деярли 450 минг сўм иқтисодий самара кўрди. Фабрика партия ташкилоти меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўлида қизғин иш олиб бормоқда. Натижада корхона катта фойда олаётир. Фақат чармни иқтисод қилиш ҳисобига 38 минг жуфт пойабзал тайёрланди.

Мамлакатимизда партиямизнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик кун сайин қизғин тус олмоқда. Шу жараёнда партия ташкилотлари ўз ишларини танқидий кўз билан қараб чиқишлари, ҳар бир коммунистнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини таҳлил қилиш асосида уларнинг активлигини янада кучайтириш режаларини тузишлари табиий, албатта. Корхонамизда вақтдан ўзиб меҳнат қилаётган коммунистлар оз эмас. 35 пойабзалчи бу беш йилликда ўн йиллик маррани эгаллаш учун курашаётир. Расулжон Иминов, Деҳқонбой Отажонов, Омадхон Раззоқова, Турғиной Мамадалиева сингари коммунистлар ҳозирдаёқ ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишаётир.

Шу ўринда партия ташкилотидаги талабчанлик муҳити ғоят муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидламоқчиман. Партия комитети ва бюролари кундалик иш маромини сезгирлик билан кузатиб боришлари, унга дарҳол амалий таъсир кўрсатишлари лозим. Шу ерда корхонамизда юз берган бир воқеа ёдга тушади. Коммунист Шуҳратбек Иброҳимов бошлиқ цехда планлар бажарилмай қола бошлади. Коммунист бу қолоқликни хас-пўшлаб, турли баҳоналарни рўкач қилар, лекин цех бошлиғи сифатида амалий чора кўрмасди. Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларида бунақанги муросасозлик, ўзибўларчилик билан ортиқча келишиб бўлмаслиги кўрсатиб ўтилди. Афсуски, ишнинг бориши шундан далолат бермоқдаки, баъзи партия ташкилотлари пленум қарорларини кун сайин оғишмай амалга ошириш чораларини кўрмаётиралар. Хотиржамлик кўринишларига тамомила чек қўйилмаётир. Маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси корхонамизда 1979 йилиёқ жорий этилган эди. Дастлабки йилларда бу катта самара берганди. Аммо вақт ўтиши билан сифатни бошқариш бўлими фаолиятида хотиржамлик, ўзибўларчилик кайфиятлари ошкора сезила бошлади. Коммунист Соибжон Умаровнинг бепарволиги туфайли пойабзал сифатини яхшилаш йўлидаги изланишлар сусайиб қолди. Бу шунга олиб келдики, ўтган йилнинг 9 ойида маҳсулотимиз сифатига истеъмолчилардан 36 та раддия олинди. 12,1 минг жуфт пойабзал яроқсиз топилиб корхонага қайтариб юборилди. Корхонамиз шу ҳисобдан 16 минг сўмдан кўпроқ жарима тўлади.

Бу камчиликларнинг сабаби шундаки, партия ташкилотлари баъзи ҳолларда етарли тайёргарликка эга бўлмаган тасодифий кишиларнинг раҳбарлик лавозимларига кўтарилиб қолиши сингари номақбул ҳодисаларга муросасозлик қилаётирлар. Корхонамизни олайлик. Кейинги пайтларда ҳеч қандай мутахассисликка эга бўлмаган М. Абдуллаев, Т. Бўтабоев, А. Хўжамовлар мастерликка тайинланишди. Кадрларни танлашдаги бундай юзакичилик оқибатлари дарҳол кўзга ташлана бошлади. Улар ўз участкаларида планларнинг бажарилишини уддалай олмаяптилар. Ишга ижодий муносабатда бўлмайдиган, ташаббуссиз мастерларни олий маълумотли мутахассислар билан алмаштириш вақти аллақачон етган. Шундай имкониятлар корхонамизнинг ўзида ҳам бор.

Ҳозирги пайтда корхона партия ташкилоти ўз сафига 140 дан зиёд коммунистни бирлаштириб турибди. Сўнгги бир йилда тўрт киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида ёш коммунистлар кўпчиликни ташкил этишини ҳисобга олиб, уларни тарбиялашни янада яхшилаш, уларга партия топшириқлари бериш, турли ишларни бажариш жараёнида синаб кўриш ғоят муҳимдир. Шу билан бирга КПСС Устави талабларини бажармаётган коммунистларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, уларнинг партия аъзоси юксак унвонига нолойиқ хатти-ҳаракатларини принципиал муҳокама қилиш лозим. Коммунист қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ҳамиша олдинда бориши, янгиликни ҳис этиши, шахсий намуна кўрсатиши лозим. Бу — партиямизнинг навбатдаги съездини муносиб кутиб олишнинг энг зарур шартидир.

Ў. ХОЛИҚОВ,
Андижон пойабзал фабрикасининг мастер ёрдамчиси.

Интизом—муқаддас

СЎЗДАН АМАЛИЙ ИШГА

«Бўшанглик ва ижрочилик интизомини бузганлик учун талабни, айниқса, қаттиқлаштириш зарур. Жуда қаттиқ интизом бўлмаса, энг ажойиб қарорлар ва ниятлар ҳам фақат эзгу истаклигича қолаверади».
К. У. ЧЕРНЕНКО.

Партия йиғилишида бузоқбоқар Моҳира Қурбонова айтган сўзлар ҳаммани ўйлантириб қўйди. Коммунистнинг бурчи ва вазифаларига тўхталиб, у шундай деди:

— Партия аъзоси бўлмоқ доимо илғорлар сафида бормоқ, демакдир. Биз ҳамиша олдинги участкаларда бўлишимиз, зиммамизга юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришимиз, алоҳида намуна кўрсатишимиз лозим.

Коммунист ўз мулоҳазаларини давом эттириб, айрим партия аъзолари йиғилишларда қабул қилинган қарорларни бажаришга беғамлик билан муносабатда бўлаётганликларини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам ўз участкасида ишни пухта режа асосида ташкил эта олмаётган баъзи раҳбарларнинг боқибеғамлиги туфайли совхоз ишлаб чиқаришининг у ёки бу участкаси оқсаётир. Чунончи, ем-хашак тайёрлаш участкаларида шундай бўлаётир. Бу коллективларда ишдаги совуқконлик сугориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлди. Коммунист Бобоқул Бойқобилов, Эшмурод Тошпўлатовлар бошлиқ бригадаларда дон ҳосилдорлиги пасайиб кетди. Ана шу бригадаларнинг партия группалари интизомни мустаҳкамлаш, давлат ва халқ мулкини авайлаб асраш борасида қабул қилинган қарорларни изчил бажармаётирлар. Бу концентрат озуқа ва дағал хашак тайёрлаш планининг бажарилмай қолишига олиб келди. Нотиқ, шунингдек, фермаларни механизациялаштириш, ўрнатилган механизмларнинг техник қаровини яхшилашга эътибор пасайиб кетганлигини алоҳида таъкидлади. Табиийки, бу сингари нуқсонлар, ўртоқ К. У. Черненко ўз мақоласида уқтириб ўтганидек, агросаноат комплекси иш маромини бузади.

Шу йиғилишда коммунистлар ижро интизомининг бузилиши учун жавобгарликни кескин ошириш зарурлигини талаб қилишди. Бу бежиз эмас эди. Чунки, совхозда ишчилар учун уй-жой қуриш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳақида илгари қабул қилинган қарорлар, белгиланган тадбирлар узил-кесил бажарилмаётганлиги алоҳида ташвиш туғдирмоқда. Бу ишларга мутасадди бўлган коммунист Ғаффор Қодиров ва қурилиш бригадасининг бошлиғи Саид Аблиметовларнинг интизомсизлиги, бўшашувчанлиги қаттиқ танқид қилинди.

— Биз меҳнат ҳақида кўп гапирамиз, — деди механизатор Комил Суюнов, — лекин далада, чорвачилик фермаларида меҳнат қилаётган кишилар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, қишлоқларни ободонлаштириш масалаларини ҳал этишда ўзибўларчиликка, бепарволикка йўл қўймоқда. Ўрни келганда Маҳаллий саноат министрлигининг эътиборсизлиги оқибатида чўян қуйиш заводини реконструкциялаш 13 йилдан буён судралиб келаётганлигини ҳам айтиш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари коммунистларни камчиликларни қатъият билан бартараф этишга, резерваларни тўла ишга солиш асосида Озиқ-овқат программасининг бажарилишига хўжалик қўшадиган ҳиссани кўпайтиришга сафарбар этаётир. Чорвачиликка ихтисослашган совхозимиз учун бу ғоят катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ташкилотчилик ва талабчанликни қўшиб олиб бормай туриб, ишда уюшқоқликни, тартиб ва интизомни мустаҳкамлашга эришиб бўлмаслигини бугун ҳар бир коммунист яхши тушунмоқда. Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти ҳам уларнинг куч-ғайратини чорва маҳсулдорлигини оширишга, унинг таннархини арзонлаштириш учун курашга сафарбар этаётир.

Ҳозир хўжалигимизда 2 минг бошдан зиёд қорамол, 5 минг бошдан зиёд чўчқа парвариш қилинмоқда. Сут ва гўшт тайёрлашни кўпайтириш учун курашда коммунистларнинг авангардлик роли ошиб бормоқда. Экономиканинг барча соҳаларидаги аҳвол партия йиғилишларида чуқур ва атрофлича таҳлил этилаётир, камчиликларни тугатиш учун аниқ, пухта режалар белгиланаётир.

Совхозимиз ҳар йили район хўжаликларидан 400 тагача ёш бузоқларни тўплаб, уларни алоҳида парвариш қилади. Афсуски, кейинги йиллардаги салбий ҳолатлар район экономикасини издан чиқариб юборди. Натижада совхозимиз етарли миқдорда зотдор бузоқлар ололмаяпти. Чўчқалар ва қорамолларни яхши семиртирмасдан давлатга топшириш фактлари юз бераётир. Бу эса гўшт тайёрлаш планларининг кўпинча бажарилмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Ўртоқ К. У. Черненко, мақоласида ишлаб чиқариш кўламлари ғоят кенгайган ҳозирги шароитда интизом алоҳида аҳамият касб этаётганлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, ҳар бир иш жойида пухта тартиб-интизом ўрнатмасдан туриб, жиддий муваффақиятни орзу ҳам қилиш мумкин эмас. Ориф Раупов, Низомиддин Ҳусаинов, Аҳмад Турсуновлар етакчилик қилаётган партия группаларининг фаолияти бу фикрни тасдиқлайди. Улар уюшқоқликни кучайтириш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш билан изчил шуғулланишлари керак.

М. ОСТОНОВА,
Шаҳрисабз районидаги Калинин номли совхоз сут соғувчиси.

МЕҲНАТГА МУНОСАБАТ

Ўртоқ К. У. Черненко таъкидлаганидек, Коммунистик партия ҳар бир кишини меҳнат қилиш эҳтиёжини сезадиган, жамият манфаатлари йўлида ҳалол ишлаш заруриятини равшан англаб етадиган қилиб тарбиялашни муҳим вазифа деб ҳисобламоқда. Ўқувчиларни меҳнатга ҳалол, онгли муносабат руҳида тарбиялашда мактабнинг роли катта. Ҳозирда амалга оширилаётган ислоҳот бу ишни янада мукаммаллаштиришни кўзда тутади. Мактабимизда меҳнат таълими ўқитувчилари Али Ўринқоев, Сабоҳат Мирзаева, Омон Уролов ва Жамила Назаровалар махсус маълумотга эга бўлган педагоглардир. Бизда устахона мукаммал жиҳозланган.

Биз ўқувчилар меҳнат таълими жараёнида олган билим ва кўникмаларини баҳолашнинг янги усулини синаб кўрдик. Эндиликда ўқувчи ишнинг ҳар бир қисмини қандай уддалагани учун алоҳида баҳоланади. Бу ўқувчиларда қунтни, саботни, ишга ижодий ёндашишни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

М. РАҲИМОВА,
Жиззах шаҳридаги Фурқат номли ўрта мактаб ўқитувчиси.



Техника кўкламга шайми?

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Жиззах областида техникани баҳор мавсумига тайёрлаш суст боряпти

Жиззах районидаги Ленин номли совхоз ўтган йили давлатга 16 минг тонна — кўзда тутилганидан бир ярим минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берди. Шунингдек, дон, полиз, сабзавот ва чорва маҳсулотлари тайёрлаш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик меҳнат аҳли қўлга киритилаётган ютуқлар техникадан унумли фойдаланишга боғлиқлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам совхозда техника ремонтига алоҳида эътибор берилади. Ремонтчилар ҳар бир агрегатни шундай созлашадики, натижада у йил бўйи тўхтовсиз ишлайди. Энг долзарб дамларда панд бермайди.

Ҳар гал хўжаликка йўлим тушганида бирон-бир янгилиқ қўлланишаётгани, рационализаторлик таклифини жорий қилишаётганининг гувоҳи бўламан. Бу сафар ҳам ремонтчиларни қизғин бахс устида учратдим. Совхоз директори Б. Соибназаров, бош инженер Ш. Худоёров, устахона мудири Б. Шойсоқов ва бошқа мутахассислар ҳамда М. Эргашев, Т. Шукуров, Н. Норбўтаев, Г. Раҳматов, И. Лапасов, И. Ўрозов каби уста механизаторлар ҳам шу ерда эдилар. Одат тусига кириб қолгандай улар чой устида газета, журналлар ўқишади. Жаҳон ва мамлакатимиз воқеаларидан хабардор бўлиб боришади. Газета, журналлар сақланиб турган столда Тошкентдаги илмий-техника ахборoти ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар институти (УзНИИНТИ) томонидан чиқарилган варақалар ҳам бор. Биз кириб борганда варақаларнинг бири хусусида қизғин мунозара кетаётган эди. Гап шундаки, совхоз директори варақалардан бирини ўқиб, ундан ромитанлик О. Тешаев, билан Ҳ. Раҳматов фойдаланишга яроқсиз бўлган кўрак ва пахта териш машиналарининг қисмларидан янгича кўрак териш машинаси ясашганини айтди. Ремонтчиларга бу янгиликни хўжалигимизда жорий қилсак деб маслаҳат солди.

— Машинани шундай мослаш керакки, у қачон кўрак теришга тушишини кутиб туравермасин, — деди механизатор И. Лапасов. — Балки, пахта теримида пахта, кўрак териш пайтида эса кўрак терсин. Аппаратларни алмаштиришга эса бор-йўғи икки соат вақт кетади. Совхоз ремонтчилари ва механизаторлари техника ремонтига ана шундай ижодкорлик, омилкорлик билан ёндашяптилар. Устахонада қўлдаги аппаратни эҳтиёткорлик билан тузатаётган слесарь Ҳ. Шодиев диққатимизни тортди. У билан суҳбатлашганимизда бундай деди:

— Мен ёнилғи насосини ремонт қиляпман. Бу аппаратни ремонт қилиш стендини ишга туширмасдан илгари ҳар бир насосни созлаш учун «Госкомсельхозтехника» бирлашмасига 61 сўм тўлардик. Бу ишни ўзимиз амалга оширишга эришганимиздан сўнг эса ҳар бир насосни созлаш 15 сўмга тушяпти. Шу ҳисобдан бу йил олти минг сўмдан зиёд иқтисод қилишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари насосларни яхши созлаш эвазига ёнилғидан ҳам иқтисод қиламиз.

Хўжалик механизаторларининг ишга бундай ижодий ёндашишлари туфайли техника кўнгилдагидек ремонт қилиниб, мавсумга шайлаб қўйилмоқда. Бугунгача совхоздаги мавжуд 119 та тракторнинг юзга яқини, шунингдек, 10 та юк машинаси, юздан зиёд қишлоқ хўжалик асбоблари сифатли ремонтдан чиқарилди. Биринчи навбатда бороналар, чизеллар, молалар, чигит экадиган сеялкалар созланиб, линейкаларга қўйилди. Чопиқ тракторларига культиваторлар ўрнатилди. Хўжалик механизаторлари қолган ишларни ҳам январь ойи ичида тугатишга аҳд қилишган.

Аммо, техника ремонти Жиззах районидаги барча хўжаликларда ҳам ана шундай яхши кетяпти, деб бўлмайди. Энгельс номли совхоз автотрактор паркидаги ишлар билан танишганимизда, шу нарса маълум бўлдики, мавжуд ҳайдов тракторларидан 10 таси, чопиқ тракторларидан 7 таси, юк машиналарининг 10 таси ҳали ремонт қилинмай турибди. Уларда жуда катта техникавий камчиликлар борлиги сабабли яқин бир ой ичида ремонтдан чиқарилишига устахона ходимларининг ўзлари ҳам ишонишмайди. Чигит экиш сеялкаларидан атиги 6 таси мавсумга тайёрланган, холос. Ремонт ишларига бор-йўғи 15 киши жалб қилинган.

Пахтакор райони техникани ремонт қилишда бошқа районларга қараганда бирмунча пешқадамлик қилмоқда. Райондаги «Пахтакор», «Самарқанд» совхозларида мавжуд техниканинг асосий қисми ремонтдан чиқарилиб қўйилган. Уларда ремонт ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Шу райондаги Акмал Икромов номли совхоз бир неча йилдан бери пахта топшириш планини бажармай, давлатдан катта қарздор бўлиб қолди. Бундай муваффақиятсизликнинг сабабларидан бири техникадан фойдаланишга кам эътибор берилаётганлигида эмасмикин? Хўжалик мавжуд техникани сақлаш учун жуда катта базага эга. Битта бостирма, тўрт томони ўралган омборларда совхознинг барча техника воситаларини эҳтиётлаб сақласа бўлади. Лекин эътиборсизлик оқибатида катта меҳнат ва маблағ эвазига қурилган бинолларнинг томидаги шиферлар учиб кетиб, деворлари нураб, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари қор остида ётибди.

Автотрактор паркининг қаерига қадам қўйманг, турли агрегатларнинг қисмлари қалашиб ётганини кўрасиз. Бостирманинг рўпарасидаги 18 та тележка қор-ёмғир остида занглаб, балонлари чирияпти. Устахонада слесарлардан Тошпўлат Омонов ва Самад Учановларни учратдик. Улар ПГС насосини ремонт қилишаётган экан. Бизни кўриб ишни йиғиштира бошлашди. Суриштирсак, улар овқатланиш учун уйларига отланишаётган экан. Устахонада иссиқ овқат ташкил қилинмаганлиги учун ремонтчилар уйларига бориб овқатланишаётир. Қўпчилик ремонтчилар эса тушдан сўнг устахонага қайтишмайди.

Хўжалик ерларининг кўпчилик қисми шўрланган. Шунинг учун бу ерда мелиорация ишларини изчиллик билан олиб бориш талаб этилади. Бу эса совхоз мелиораторлари зиммасига катта масъулият юклайди. Мелиораторлар отряди эса айни кунларда ўз ихтиёрларидаги махсус техникани ремонт қилишга совуққонлик билан қарашяпти. Отрядга қарашли тракторларнинг 10 таси катта камчиликлари бўлгани ҳолда, ремонт қилинмасдан қаровсиз ётибди.

Хўжаликнинг техника базаси ёнида беш гектарча ернинг атрофи бетон деворлар билан ўралган. Ана шу ерда пахта териш машиналарининг бункерлари, рамалар, ҳали фойдаланса бўладиган кўплаб қисмлар, моторлар, сув насослари қор остида занглаб ётибди. Бу машина қисмларининг кўпини қайта тикласа бўлади-ку. Лекин бунга на совхоз директори Эгам Расулов, на бош инженер Ўрол Мамараҳимов аҳамият беряпти. Иш сансалорликка солиб қўйилган.

Областнинг Арнасой районидаги Жуков номли, Конев номли, Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли, «Ўзбекистон» совхозларида ҳам техника ремонти жуда сусткашлик билан олиб бориляпти. Ремонтчиларга маданий-маиший шароит яратилмаган.

Муваффақиятлар техника мавсумга пухта тайёрланишига боғлиқ. Буни ҳамма яхши билади. Агар зарур техника шай бўлмас экан, иш қизғин паллада панд бериб қўяди. Оқибатда мавсум ишлари чўзилиб, имкониятлар қўлдан бой берилади. Ўйлаймизки, Жиззах областидаги кўпгина хўжаликлар ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, қолоқликка барҳам бериб, техникани мавсумга ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаб қўядилар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

Қува районидаги Димитров номли колхоз чорвадорлари қишловни зўр уюшқоқлик билан намунали ўтказмоқдалар. Колхоз ферма ва отларида 889 бош қорамол, 2161 бош қўй-қўзилар, 32 бош отлар, 2135 бош паррандалар иссиқ хоналарда тўйимли озуқалар билан парвариш қилинмоқда. Жамғариб қўйилган икки минг тонна силос, 314 тонна сомон, 540 тонна сенаж, 650 тонна лавлаги, 255 тонна пичан бугунги қишли-қировли кунларда ютуқларнинг асосий гарови бўляпти. Узаро социалистик мусобақада Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Абдуғани Умурзоқов, коммунист Турсуной Ёқубова, Ҳатимахон Ғойназарова, Абдуваҳоб Бийжонов, Хўжам Каримов сингари чорвадорлар пешқадамлик қилмоқдалар.

Мамлакат Озиқ-овқат программасини тезроқ бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган хўжалик чорвадорлари беш йилликнинг якунловчи йилида давлатга 73,3 тонна гўшт, 490 тонна сут, 130 минг дона тухум, 30,5 тонна пилла, 18 центнер жун толаси етказиб беришдек катта мажбуриятлар олиб меҳнат қилишяпти.

Суратларда: колхознинг илғор чўпонларидан бири Абдуваҳоб Бийжонов. У ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олиш учун курашмоқда ва коммунист Хўжам Каримов бош чўпонлик қилаётган отарнинг қўй-қўзилари яйловда.

Ф. Лутфуллаев фотолари.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДАВР ОҒУШИДА

Асқад МУХТОР,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

«Совет Ўзбекистони» конкурсига

(САККИЗЛИКЛАР)

«Бхопал...», «Бхопал...» дейман саҳар
уйғониб.
Тушимга киради чала сатрлар.
Уйқу юрар Ерда газдай тўлғаниб.
Дунёда ҳали бор қотиллар.
Кетолмайсан, ёнар она ўчоғинг —
Ўз асринг мана шу, агар чидасанг.
У сени беомон маҳкам қучади,
Тунлари ҳам унинг оғушидасан.

* * *

Гагарин паркида очилди лола.
Бугун гавжум ҳайкалнинг олди.
— Космонавт бўламан!— деди бир бола,
Муаллими ўйланиб қолди:
«Эшитдингми, нима деяпти!
Ҳайкалда-мас, йўқ, юракларда,
Мармарда-мас, шу гўдакларда
Жасоратнинг абадияти!».

* * *

Шундай даҳшатларни енггандмиз
Ки, келурмиз ҳар балога бас.
Бугун биз урушни нафратлар экамиз,
Бу қўрқувдан эмас.
Қўрқсак, биз бегуноҳ норасидалар,
Уруш кўрмаганлар учун қўрқамиз.
Аччиқ ёш томмаган кўзи осудалар,
Ўлик кўммаганлар учун қўрқамиз.

* * *

Муҳбир келар: «Бахтлимисиз!»,— демиш.
Қандай бахт! Ўзимга алоҳидами!
Алоҳида уй бор, алоҳида идиш...
Одам қайда яшар, овлоқ уйдами!
У қабрдагина одамзоддан ғайри.
Тирикмизки, олам ҳаммамизга бир.
Ҳақиқат йўқ ҳар кимсага айри,
Алоҳида бахт ҳам дунёда йўқдир.

* * *

Ўзимники эмас бу умр.
Тўла менки-мас, сезиб турибман.
Бир вақтлар мени деб ҳалок бўлган
кимдир,
Мен унинг учун ҳам яшаб юрибман.
Ўзимники эмас. Ўртада баҳам
Аччиқ-чучугию гули, меваси,
Енгил-елпи ўтса умрдан бир дам,
Рози-ризо бўлмас эгаси.

* * *

Ёшлик тўлғоқларда тақдирни излар:
Кеча кашф этилган номсиз юлдузда,
Висол олдидаги ҳаяжонли ҳислар,
«Кураш» деган кескин, портловчи сўзда.
Қисматнинг нафасин сезади киши,
Бу сезги илҳомга ўхшайдк,
Ёшлигимиз дардли талпиниши,
Ишқилиб, авлодлар оша ўтсайди.

* * *

Оқшом ястанарди кифтимизга секин
Гўёки зангори мангулик.
Ёш эдик, беҳудуд туюларди тун,
Бир-биримиздан ҳангу манг эдик.
Менга оғир эди кутилмаган бахт.
Аҳволимга боқдинг тонгдай жилмайиб
Ва баҳам кўришга рози бўлдинг, раҳмат,
Йўқса, кўтаролмай бўлардим майиб.

* * *

Шабнамга нур инди ва сесканди боғ.
Тонг булбулни уйғотдими ё булбул тонгни!
Гўёки йўқ шундан бўлак бир муҳим
жумбоқ,
Болаликнинг синчковлиги илитди жонни.
Ва покиза ҳаяжонлар чулғаб кўнгилни,
Давр суронлари чекинди тамом.
Шу саволни авлодларга этаман инъом:
Булбул тонгни уйғотдими ё тонг булбулни!

Техника кўкламга шайми?

ЭЪТИБОРСИЗЛИК

Жиззах областида техникани баҳор мавсумига тайёрлаш суст боряпти

Жиззах районидаги Ленин номли совхоз ўтган йили давлатга 16 минг тонна — кўзда тутилганидан бир ярим минг тонна кўп «оқ олтин» етказиб берди. Шунингдек, дон, полиз, сабзавот ва чорва маҳсулотлари тайёрлаш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Хўжалик меҳнат аҳли қўлга киритилаётган ютуқлар техникадан унумли фойдаланишга боғлиқлигини яхши тушунади. Шунинг учун ҳам совхозда техника ремонтига алоҳида эътибор берилади. Ремонтчилар ҳар бир агрегатни шундай созлашадики, натижада у йил бўйи тўхтовсиз ишлайди. Энг долзарб дамларда панд бермайди.

Ҳар гал хўжаликка йўлим тушганида бирон-бир янгилиқ қўлланишаётгани, рационализаторлик таклифини жорий қилишаётганининг гувоҳи бўламан. Бу сафар ҳам ремонтчиларни қизғин бахс устида учратдим. Совхоз директори Б. Соибназаров, бош инженер Ш. Худоёров, устахона мудири Б. Шойсоқов ва бошқа мутахассислар ҳамда М. Эргашев, Т. Шукуров, Н. Норбўтаев, Г. Раҳматов, И. Лапасов, И. Ўрозов каби уста механизаторлар ҳам шу ерда эдилар. Одат тусига кириб қолгандай улар чой устида газета, журналлар ўқишади. Жаҳон ва мамлакатимиз воқеаларидан хабардор бўлиб боришади. Газета, журналлар сақланиб турган столда Тошкентдаги илмий-техника ахборoти ва техникавий-иқтисодий тадқиқотлар институти (УзНИИНТИ) томонидан чиқарилган варақалар ҳам бор. Биз кириб борганда варақаларнинг бири хусусида қизғин мунозара кетаётган эди. Гап шундаки, совхоз директори варақалардан бирини ўқиб, ундан ромитанлик О. Тешаев, билан Ҳ. Раҳматов фойдаланишга яроқсиз бўлган кўрак ва пахта териш машиналарининг қисмларидан янгича кўрак териш машинаси ясашганини айтди. Ремонтчиларга бу янгиликни хўжалигимизда жорий қилсак деб маслаҳат солди.

— Машинани шундай мослаш керакки, у қачон кўрак теришга тушишини кутиб туравермасин, — деди механизатор И. Лапасов. — Балки, пахта теримида пахта, кўрак териш пайтида эса кўрак терсин. Аппаратларни алмаштиришга эса бор-йўғи икки соат вақт кетади. Совхоз ремонтчилари ва механизаторлари техника ремонтига ана шундай ижодкорлик, омилкорлик билан ёндашяптилар. Устахонада қўлдаги аппаратни эҳтиёткорлик билан тузатаётган слесарь Ҳ. Шодиев диққатимизни тортди. У билан суҳбатлашганимизда бундай деди:

— Мен ёнилғи насосини ремонт қиляпман. Бу аппаратни ремонт қилиш стендини ишга туширмасдан илгари ҳар бир насосни созлаш учун «Госкомсельхозтехника» бирлашмасига 61 сўм тўлардик. Бу ишни ўзимиз амалга оширишга эришганимиздан сўнг эса ҳар бир насосни созлаш 15 сўмга тушяпти. Шу ҳисобдан бу йил олти минг сўмдан зиёд иқтисод қилишни мўлжаллаяпмиз. Бундан ташқари насосларни яхши созлаш эвазига ёнилғидан ҳам иқтисод қиламиз.

Хўжалик механизаторларининг ишга бундай ижодий ёндашишлари туфайли техника кўнгилдагидек ремонт қилиниб, мавсумга шайлаб қўйилмоқда. Бугунгача совхоздаги мавжуд 119 та тракторнинг юзга яқини, шунингдек, 10 та юк машинаси, юздан зиёд қишлоқ хўжалик асбоблари сифатли ремонтдан чиқарилди. Биринчи навбатда бороналар, чизеллар, молалар, чигит экадиган сеялкалар созланиб, линейкаларга қўйилди. Чопиқ тракторларига культиваторлар ўрнатилди. Хўжалик механизаторлари қолган ишларни ҳам январь ойи ичида тугатишга аҳд қилишган.

Аммо, техника ремонти Жиззах районидаги барча хўжаликларда ҳам ана шундай яхши кетяпти, деб бўлмайди. Энгельс номли совхоз автотрактор паркидаги ишлар билан танишганимизда, шу нарса маълум бўлдики, мавжуд ҳайдов тракторларидан 10 таси, чопиқ тракторларидан 7 таси, юк машиналарининг 10 таси ҳали ремонт қилинмай турибди. Уларда жуда катта техникавий камчиликлар борлиги сабабли яқин бир ой ичида ремонтдан чиқарилишига устахона ходимларининг ўзлари ҳам ишонишмайди. Чигит экиш сеялкаларидан атиги 6 таси мавсумга тайёрланган, холос. Ремонт ишларига бор-йўғи 15 киши жалб қилинган.

Пахтакор райони техникани ремонт қилишда бошқа районларга қараганда бирмунча пешқадамлик қилмоқда. Райондаги «Пахтакор», «Самарқанд» совхозларида мавжуд техниканинг асосий қисми ремонтдан чиқарилиб қўйилган. Уларда ремонт ишлари тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Шу райондаги Акмал Икромов номли совхоз бир неча йилдан бери пахта топшириш планини бажармай, давлатдан катта қарздор бўлиб қолди. Бундай муваффақиятсизликнинг сабабларидан бири техникадан фойдаланишга кам эътибор берилаётганлигида эмасмикин? Хўжалик мавжуд техникани сақлаш учун жуда катта базага эга. Битта бостирма, тўрт томони ўралган омборларда совхознинг барча техника воситаларини эҳтиётлаб сақласа бўлади. Лекин эътиборсизлик оқибатида катта меҳнат ва маблағ эвазига қурилган бинолларнинг томидаги шиферлар учиб кетиб, деворлари нураб, тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари қор остида ётибди.

Автотрактор паркининг қаерига қадам қўйманг, турли агрегатларнинг қисмлари қалашиб ётганини кўрасиз. Бостирманинг рўпарасидаги 18 та тележка қор-ёмғир остида занглаб, балонлари чирияпти. Устахонада слесарлардан Тошпўлат Омонов ва Самад Учановларни учратдик. Улар ПГС насосини ремонт қилишаётган экан. Бизни кўриб ишни йиғиштира бошлашди. Суриштирсак, улар овқатланиш учун уйларига отланишаётган экан. Устахонада иссиқ овқат ташкил қилинмаганлиги учун ремонтчилар уйларига бориб овқатланишаётир. Қўпчилик ремонтчилар эса тушдан сўнг устахонага қайтишмайди.

Хўжалик ерларининг кўпчилик қисми шўрланган. Шунинг учун бу ерда мелиорация ишларини изчиллик билан олиб бориш талаб этилади. Бу эса совхоз мелиораторлари зиммасига катта масъулият юклайди. Мелиораторлар отряди эса айни кунларда ўз ихтиёрларидаги махсус техникани ремонт қилишга совуққонлик билан қарашяпти. Отрядга қарашли тракторларнинг 10 таси катта камчиликлари бўлгани ҳолда, ремонт қилинмасдан қаровсиз ётибди.

Хўжаликнинг техника базаси ёнида беш гектарча ернинг атрофи бетон деворлар билан ўралган. Ана шу ерда пахта териш машиналарининг бункерлари, рамалар, ҳали фойдаланса бўладиган кўплаб қисмлар, моторлар, сув насослари қор остида занглаб ётибди. Бу машина қисмларининг кўпини қайта тикласа бўлади-ку. Лекин бунга на совхоз директори Эгам Расулов, на бош инженер Ўрол Мамараҳимов аҳамият беряпти. Иш сансалорликка солиб қўйилган.

Областнинг Арнасой районидаги Жуков номли, Конев номли, Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли, «Ўзбекистон» совхозларида ҳам техника ремонти жуда сусткашлик билан олиб бориляпти. Ремонтчиларга маданий-маиший шароит яратилмаган.

Муваффақиятлар техника мавсумга пухта тайёрланишига боғлиқ. Буни ҳамма яхши билади. Агар зарур техника шай бўлмас экан, иш қизғин паллада панд бериб қўяди. Оқибатда мавсум ишлари чўзилиб, имкониятлар қўлдан бой берилади. Ўйлаймизки, Жиззах областидаги кўпгина хўжаликлар ўз ишларида кескин бурилиш ясаб, қолоқликка барҳам бериб, техникани мавсумга ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаб қўядилар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Б. Муродов ва К. Қўйлиевларнинг Шаҳрисабз районидаги Мироқи қишлоқ Совети раиси Х. Суюнов устидан ёзган аризаси текширилди.

Текшириш якунлари Шаҳрисабз район партия комитети бюроси мажлисида кўриб чиқилди. Ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун Мироқи қишлоқ Совети раиси Х. Суюновга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Мироқи қишлоқ Советининг молиявий фаолияти устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун район ижроия комитети молия бўлими мудири В. Исломовга ҳайфсан берилди. Район ижроия комитети раиси М. Муҳаммадиевга Мироқи қишлоқ Совети фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Мироқи қишлоқ Совети сессиясида Х. Суюнов қишлоқ Совети ижрокоми раислигидан бўшатилди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз раиси Р. Ҳасанов устидан тушган имзосиз хат текширилганда қисман тасдиқланди.

Автоном республика прокуратураси ва молия министрлиги томонидан колхознинг 1982 — 1984 йиллардаги молия-хўжалик фаолияти ревизия қилинганда жиддий камчиликлар аниқланди. Масалан, колхознинг 200 минг сўмга яқин маблағи ортиқча сарфланишига йўл қўйилган.

Хўжайли район партия комитети имзосиз хатни кўриб чиқди ва молия-хўжалик фаолиятида давлат интизомини қўпол равишда бузганлиги учун Р. Ҳасановга ҳайфсан берди. Район партия комитети принципсизлик кўрсатганлиги, колхоз раисининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари олдини ўз вақтида олмаганлиги учун Ленин номли колхоз партия комитетининг секретари Т. Сапарбоевни қаттиқ огоҳлантирди.

Чет эллар да

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ВАРШАВАДАГИ ТАНТАНАЛАР

ВАРШАВА, 16 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Варшава халқ кенгашининг Польша пойтахти фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантанали сессияси бўлди.

Сессияда ПБИП билан Польша давлатининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин бошчилигидаги КПСС Москва шаҳар комитетининг делегацияси, қардош мамлакатлар пойтахтларининг делегациялари ҳозир бўлдилар.

ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Варшава комитетининг биринчи секретари М. Везьняк сессияда нутқ сўзлади. Шу тантанали юбилей кунида, деди нотиқ, биз совет ҳалоскор жангчилари ҳамда Польша қўшини биринчи армияси жангчиларининг хотирасини ҳурмат билан эсга оламиз. Польша билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иттифоқ урушнинг машққатли, аммо шонли йўлларида вужудга келиб, мустаҳкамланган эди. Биз бу меросни ҳеч қачон унутмаймиз, шу иттифоқни бебаҳо ватанпарварлик ва интернационал бойлик сифатида ҳамиша авайлаб, асраймиз. Биргаликда тўкилган қон қардошлигимизни тош-метиндек абадий мустаҳкамлади.

Сўнгра сессияда йиғилиш аҳли самимий кутиб олган В. В. Гришин нутқ сўзлади. Яқинда социалистик мамлакатларнинг халқлари бутун инсоният фашизм устидан қозонилган Улуғ Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлайдилар, деди у. Варшаванинг озод этилганлиги шу ғалаба йўлидаги муҳим марра бўлган эди. Ана шу ғоят муҳим воқеа тўғрисидаги хотира поляклар учунгина эмас, шу билан бирга совет кишилари учун ҳам азиздир. Чунки армияларимизнинг шонли жангчилари елкама-елка туриб душманга қарши жанг қилган эдилар. Мана шу биргаликдаги курашда Совет — Польша қуролдош қардошлиги тобланди. Бу қардошлик халқларимиз дўстлиги пойдеворини мустаҳкамлади.

КПСС билан ПБИП ўртасидаги қалин ўзаро алоқа асосидаги Совет — Польша ҳамкорлиги, деб давом қилди делегация бошлиғи, эндиликда ижтимоий турмуш ва фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олган деса бўлади. Бу ҳамкорлик мамлакатларимизга тобора кўпроқ сезиларли самаралар бермоқда.

1984 йилнинг майида ўртоқ В. Ярузельскийнинг Совет Иттифоқига қилган визити, унинг ўртоқ К. У. Черненко билан музокаралари чоғида эришилган аҳдномалар бу соҳада янги истиқболлар очмоқда. Улар имзолаган «2000 йилгача бўлган даврда СССР билан ПХР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш узоқ муддатли программаси» иккала мамлакат ўртасида амалий алоқаларни янада кенгайтиришга, бу алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилган тадбирлар комплексини белгилайди.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари, деди В. В. Гришин, ҳозир ўз тараққиётининг муҳим ва масъулиятли босқичига қадам қўйдилар. Бу йил кўпгина қардош мамлакатларда беш йиллик халқ хўжалиги планлари бажариб бўлинади.

Бизда, Совет Иттифоқида, КПСС XXVII съездига тайёргарлик бошланди. Съезд партиянинг янги таҳрирдаги программасини қабул қилади ва унинг Уставига зарур аниқликлар киритади. Бу — биринчи даражали муҳим аҳамиятга молик вазифадир, чунки марксчи-ленинчи партиянинг программалари ҳамиша узоқ истиқболга мўлжалланган бутун ижтимоий фаолиятнинг сиёсий негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳозир ҳам ғаф ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар комплексини белгилаш тўғрисида бормоқда.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, деди В. В. Гришин, ўз олдиларида турган ижтисодий ва социал ривожланиш вазифаларини мураккаб халқаро вазиятда ҳал этишларига тўғри келмоқда. Халқаро вазият аввало Америка империализми мавжуд тахминий ҳарбий мувозанатни бузишга, ҳарбий устунликка эришишга ва шу асосда бутун дунёда ўз ҳукмини ўтказишга интилаётганлиги сабабли кескинлашиб кетди. Бизнинг мамлакатларимиз ҳозирги мураккаб шароитда ҳам олга ҳаракат қилиш, экономикани ривожлантиришнинг, фан-техника тараққиётининг актуал проблемаларини коллектив кучғайрат билан ҳал этиш, белгиланган социал программаларни бажариш учун барча зарур нарсаларга эгадир.

Совет томони олға сурган конкрет таклифлар тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципи негизидир, космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, ядро қуролини ва уруш олиб боришнинг бошқа вахшиёна воситаларини то батамом йўқотгунга қадар қисқартириш масалаларини комплекс ҳал этиш, ўзаро мақбул аҳдномаларга эришиш имконини беради.

Бирлигимиз ва жипслигимиз, бизнинг қардошларча жанговар иттифоқимиз қанчалик мустаҳкам бўлса, урушнинг олдини олиш, тинчлик иши шу қадар ишончли ва мустаҳкамроқ бўлади. Бу йил, деди В. В. Гришин, Польша пойтахти номини олган шу иттифоққа 30 йил тўлади. Ана шу бутун давр мобайнида Варшава Шартномаси социализм ва тинчликни ҳимоя этиш ишига садоқат билан хизмат қилиб келди. Социалистик интернационализм, тўла тенг ҳуқуқлилик ва синфий бирдамлик принципларига асосланган Варшава Шартномаси бундан буён ҳам ўзининг тарихий вазифасини муваффақиятли адо эта бериши лозим.

АМАЛИЙ, ЖИДДИЙ МУЗОКАРАЛАР БЎЛСИН

Совет Иттифоқи амалий, жиддий музокараларнинг тарафдоридир, ҳақиқатан ҳам Женевадаги учрашувда белгиланган мақсадларга амал қилиниши, тинчликни кўзлаб иш олиб борилиши тарафдоридир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг сиёсий обзорчилар билан суҳбатини шарҳлаётган турли мамлакатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоблари шу фикрни таъкидламоқдалар.

Совет Иттифоқининг тинчликсеварлик сиёсати бутун дунёда қўллаб-қувватланмоқда, деб ёзади Чехословакиядаги **«Руде право»** газетаси. Совет Иттифоқи АҚШ билан ҳалол, амалий, жиддий мулоқотга тайёр. У космосда қурол бўлмаслиги керак, деб қатъий қилиб айтмоқда. АҚШнинг «самовий урушлар»га тайёргарлик программасини давом эттириш ниятлари жуда хавфли эканини бутун дунёга кўрсатиб бермоқда.

Венгриядаги **«Мадьяр немзет»** газетаси бундай деб таъкидлайди: Совет Иттифоқи космосда қуролланиш пойгасига тўсқинлик қилиш учун қатъият билан курашмоқда. Бўлажак Совет — Америка музокараларининг ҳамма мавзулари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлади, бироқ космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймаслик ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муаммодир. Булар — мураккаб масалалар бўлса ҳам, аммо хоҳиш ва яхши ният бўлган тақдирда уларни бемалол ҳал этса бўлади. Совет Иттифоқи буни яққол намойиш этди. Эндиги иш АҚШга боғлиқ.

СССР Женева учрашувининг якунларини ижобий баҳоламоқда, деб таъкидлайди Кубадаги **«Гранма»** газетаси. Бу учрашувда бўлажак музокараларнинг мавзуи ва музокараларнинг натижасида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида бир фикрга келишга муваффақ бўлинганлиги жуда муҳимдир. Совет Иттифоқи космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш учун қатъият билан курашмоқда. Агар АҚШ Ғарбий Европада ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларини жойлаштираверадиган бўлса, вазият жуда чигаллашади, деб огоҳлантирди.

А. А. Громико айтганидек, деб уқтиради Руминиядаги **«Скинтейя»** газетаси, Женевадаги учрашувда космосдаги қуролланиш пойгасининг олдини олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқмай туриб, стратегик қуроллар тўғрисидаги масалани ҳам, ўртача олисликка учириладиган ядро қуроли ҳақидаги масалани ҳам муҳокама қилиб бўлмайди, деган нуқтаи назар устун бўлиб чиқди.

АҚШнинг телевизион шарҳчилари А. А. Громиконинг сиёсий обзорчилар билан суҳбатини «совет раҳбарлари Женева учрашувининг якунларини муҳим ва ҳар томонлама баҳолайдилар», деб таърифладилар. СССР билан АҚШ музокара олиб борадиган учала масала бир-бири билан узвий равишда боғлиқ эканлиги тўғрисидаги, шу масалаларни ҳал этишда силжишга эришишнинг энг муҳим шарти бўлмиш космосдаги қуролланиш пойгасининг олдини олиш зарурлиги ҳақидаги қоида жуда катта диққат-эътиборга сазовор бўлди.

«Вашингтон пост» газетасининг уқтиришича, «Женевадаги учрашувда ҳали кўпгина ўткир масалаларни ҳал этиш лозим бўлса ҳам, аммо СССР билан АҚШ ўртасида юқори даражадаги келишувга эришилди. Женевадаги учрашув — қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва ядро уруши хавфини тугатишнинг қийин йўлидаги биринчи қадам, холос, деди Американинг таниқли касаба союз арбоби Э. де Майо. Совет — Америка мулоқотининг муваффақияти иккала томоннинг холис ниятига боғлиқ. СССР бу борадаги йўлнинг бошидан охиригача боришга тайёр эканини амалий ишлари билан исботламоқда. АҚШ ҳам ўз навбатида оқилона, ўзаро мақбул қарорларга эришишга чинакам интилишини кўрсатиши керак. Вашингтон «самовий урушлар» деб аталган машъум программани амалга оширишдан воз кечмоқчи эмаслиги Америка жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солмоқда ва ғазаблантирмоқда.

(ТАСС).

Чили халқига мурожаат

БУЭНОС-АЙРЕС. Коммунистларни, социалистлар ва Чилининг бошқа сўл доираларини бирлаштирган Халқ демократик ҳаракати (ХДҲ) Чили халқига мурожаат этиб, манфур Пиночет диктатурасига қарши курашни кучайтиришга даъват қилди.

Яширин шароитда иш олиб бораётган ХДҲ бош секретари Хосе Санфуэнтес айтганидек, бу йил Чилида демократияни қўлга киритиш учун ҳал қилувчи йил бўлиб қолиши мумкин. Аммо бунинг учун фашист режими барча муҳолифларининг куч-ғайратларини жипслаштириш зарур. Тексти Чилида яширинча тарқатилаётган ва мамлакатдан ташқарида маълум бўлиб қолган баёнотда бугунги кунда Чили улкан қамоқ лагерига айланганлиги алоҳида таъкидланади. Режим матбуотга ниҳоятда қаттиқ цензура ўрнатди, митинг ва йиғилишларни ўтказишни тақиқламоқда, террор ва зўравонликни — шундай методларни ишга солмоқдаки, буларсиз шу режим бир кун ҳам

ЯНГИЛИКЛАР

ХУШ КЕЛИБСИЗ, КИЧКИНТОЙЛАР!

◆ Наманган область Поп районидаги «Правда» колхози кичкинтойлари иншоятда хурсанд. Улар яқинда қуриб битказилган болалар боғчасига кўчиб ўтдилар.

Бинокорлар болаларнинг очиқ ҳавода ўйнаши учун ҳам ғамхўрлик қилдилар — боғча территориясида майдончалар, сайр қилиш йўлкалари, эртаклар асосида яратилган комплекс қурилган.

ҲАММА НАРСА — ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

◆ Зарафшонда Навоий областида энг катта савдо-маиший комплекси ишга туширилди.

Бу ерда саноат ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи 5 та магазин, маиший комбинат, кафе, дорихона, аэрофлот агентлиги, почта ва телеграф жойлашган. Ленинградлик архитекторлар лойиҳаси асосида қурилган комплекс Қизилқумдаги навқирон шаҳарнинг архитектура ансамблига узвий қўшилиб кетди.

(ЎзТАГ).

ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧГА САДОҚАТ

ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ

Партиямиз Ноқоратупроқ ўлкани қайта ўзгартишнинг узоқ муддатли программасини эълон қилиши билан Ўзбекистонда тажрибали қурувчилар, мелиораторлар ва ирригаторларнинг отрядлари тузила бошлади. Саккиз йилдирки, улар Иваново, Владимир ва Новгород областлари меҳнаткашлари билан ҳамжиҳатликда ботқоқликларни қуритиб, янги посёлкалар, чорвачилик комплексларн, саноат корхоналарини барпо этишаётир. Бу, совет кишиларининг ҳар қандай улкан ишни қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат ҳал этишлари, шу асосда мунтазам зафарларга эришиб келаётганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Новгород областида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «Узновгородводстрой» трести билан бир қаторда республикамиз Қишлоқ қурилиши министрлигининг доимий ҳаракатдаги қурилиш поезди ҳам фаолият кўрсатаётир. Унинг икки юз кишилик коллективи РСФСР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Новгородсельстрой» трестига мустақил ишлаб чиқариш базаси яратиб бериш, зарур объектларни бунёд этишда кўмаклашмоқда. Коллектив ўтган йили 1 миллион сўмликдан знёд қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

БОҒ ҲОВЛИЛИ УЙЛАР

Қурилиш поезди коллективи бунёд этаётган ўн объектдан олтитасини прораб Р. Холмирзаев раҳбарлик қилаётган 2-қурилиш участкаси аъзолари тиклашяпти. Социалистик мусобақада участка қурувчилари қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Иккита икки квартирали уйлар қурилиши барвақт тугалланди. Бу уйлар ботқоқликлар ўрнида бунёд этилган «СССР 50 йиллиги» номли совхоз марказий қўрғони — Савино посёлкасида қад кўтарди. Кўркам, яшаш учун қулай, яхши пардозланган бинолар атрофида боғ-ҳовли ва қўшимча хоналар ҳам мавжуд .

Уйлар қурилишида меҳнатни поток усулида ташкил этган А. Корнев бошлиқ ғишт терувчилар, Л. Ярошчук бошлиқ дурадгорлар, Г. Мишукова раҳбарлигидаги пардозловчилар бригадалари юқори самараларга эришдилар. Корнев ва Мишукова Тошкент областидан, Ярошчук эса Сурхондарё областидан келиб ишлашяпти. Комсомол йўлланмаси билан келган қўрғонтепалик автокран машинисти А. Ортиқов ишга тушириладиган объектларда баракали меҳнат қилмоқда.

— Подберезье посёлкасида 56 ўринли ётоқхона қурилиши ҳам тугай деб қолди, — дейди Р. Холмирзаев. — Мишукова бригадаси пардозлаш ишларини тамомлади. В. Петриченко бошлиқ ғишт терувчилар бригадаси ғайрат билан ишлаяпти.

ОЧИЛМАГАН ҚУРИҚ

Қурилиш поезди коллективига янги, ниҳоятда масъулиятли вазифа — қадимий Старая Русса шаҳрида зиғир толаси ишлаб чиқарувчи заводни қуриш топширилди. Ўн биринчи беш йилликнинг бу муҳим объектида янги, учинчи участка тузилиб, унга «Главташкентстрой»нинг «Отделстрой» трести собиқ прораби, ёш инженер Р. Шарипов раҳбарлик қила бошлади.

— Ҳозирги кунда участка машина-механизмлар билан тўла таъминланди. Иғма темир-бетон келиб тўрибди. Кадрлар масаласи ҳал этилаётир. Ўзбекистоннинг барча бурчакларидан ёрдамчилар келишаётир, — деб ҳикоя қилади Р. Шарипов. — «Ташобльселстрой» трестининг С. Сураев ва Б. Авсахов каби бунёдкорлари биринчилар қаторида иш бошладилар.

Завод қурилиши биз учун очилмаган қўриқ, яъни бундай корхонани илк марта қуряпмиз. Бевосита иш давомида тажриба орттиряпмиз. Участка коллективи бош пудратчи ташкилот — РСФСР Қишлоқ қурилиши министрлигининг «Новгородсельстрой» трести бригадалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётир.

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Янги йилни қурилиш поезди коллективи Новгород шаҳрида ўзлари учун мўлжалланган 64 квартирали уйни бунёд этишни бошлаган ҳолда кутиб олдилар. Уйжой биноси 1985 йилнинг биринчи ярмида қуриб битказилади. Бу коллективда оилалилар анчагина. Квартиралар асосан уларга берилади.

Хўш, республикамиз вакиллари ҳозирги вақтда қаерда яшашяпти? Бу саволга қурилиш поезди кадрлар бўлими бошлиғи Н. Габидулина қуйидагича жавоб берди:

— Деярли барча ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар 340 ўринли ажойиб ётоқхонада жойлашишган. Тўрт қаватли бинода барча коммунал қулайликлар яратилган. Яхши безатилган Қизил бурчакда коллектив учрашувлар, кечалар ўтказиш мумкин. Бу ерда телевизор, радиоприёмник, шахмат, шашка мавжуд. Қадимий Новгород ва ундан 180 километр наридаги беқиёс Ленинград шаҳарларининг тарихий жойларига тез-тез саёҳатлар уюштириб турибмиз.

И. АХМЕТОВ.

ТОШКЕНТДА ҚИШ. С. Маҳкамов фотоэтюди.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ●

ТОҒ-ЧАНҒИ СПОРТИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

ЧИМҒАН FIS

Қалин қор қопланган «Чимён» спорт-туристик комплексида бир неча кун давом этган анъанавий халқаро мусобақа якунланди. Болгария, Польша, Чехословакия ва Руминиядан келган чанғичилар, мамлакатимизнинг кучли спортчиларидан саралаб олинган терма командамиз ҳамда республикамиз ўғил-қизлари «Катта Чимён» совринни учун қизғин курашдилар. Чимёнда мусобақани ўтказиш учун ташкилий ва тадбирий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилганлиги мутахассислар ва меҳмонлар томонидан эътироф этилди.

Хотин-қизларнинг старт майдонига кўтарилиши ишқибозлар эътиборини тортди. Чанғичи қизлар йигитлардек тезкорлик кўрсатолмаган бўлсалар-да, аниқ ҳаракат қилиш билан назарга тушдилар. Чунончи, уфалик Елена Бухтиярова икки уриниш бўйича бир минут 40,94 секундлик натижа билан зафар қучди. Ленинградлик спартакчи Ольга Логинова билан Чусовое шаҳридан келган Татьяна Великоредчанина совринли иккинчи ва учинчи ўринларни олишди. Мусобақанинг сўнгги куни ҳам аёлларнинг қиялик бўйлаб тезкор учишлари давом эттирилди. Бу сафар ҳам омад Елена Бухтиярованга кулиб боқди. 17 ёшли бу чанғичининг икки бор ғалабага эришгани, унинг маҳорати ўсиб бораётганлигидан далолатдир. Ленинградлик Людмила Кедрина ва свердловсклик Альфия Бахтиёровалар ҳам иккинчи ва учинчи ўринларни олиб, мухлисларни мамнун этишди.

Халқаро мусобақа республикамиз чанғичилари учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди. Чирчиқлик Радион Стенин 55 чанғичи орасида тўққизинчи ўринни олиб, кўпчиликни қувонтирган бўлса, тошкентлик Татьяна Очкасова 35- нафар спортчи орасида ўн тўртинчи бўлиб, умидворлик уйғотди. Сирасини айтганда, тоғ-чанғи спорти Ўзбекистонда эндигина оммавийлашиб келмоқда. Муҳими спортнинг мазкур турига қизиқиш ортмоқда. Ажойиб спорт базаси — «Чимён» спорт-туристик комплексида, тоғ бағрида мунтазам машғулотлар ўтказиш учун эса барча имкониятлар яратилган.

Анъанавий халқаро мусобақа спортнинг тоғ-чанғи турини янада ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш ҳамда ёшлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этди.

ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

ЮРАК ЎЙНОГИ

Борис Романович Киричанский — Самарқанд шаҳар Боғишамол районидаги 8-уйжойлардан фойдаланиш бошқармасининг бошлиғи. Уйжойлардан фойдаланиш бошқармасига биров у-хил, биров бу хил юмуш билан киравераркан. Борис Романовичга худди ана шуниси керак эди. Чунки унинг таъбири билан айтганда, бошқармага одамлар фақат шахсий илтимос билан, яъни уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида келадилар. Шунинг учун ҳам улар ўз мақсадларига эришгунларига қадар ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Шундай экан, «қўл-қўлни ювади» қабилида иш тутиб, уларни истаганча «соғиб ичиш» мумкин эмасмикан? Орадан кўп ўтмай у ҳузурига кирган кишининг руҳиятини бир қарашдаёқ билиб оладиган ва шунга қараб муомала қиладиган бўлиб қолди. Масалан, Борис Романович одатда кишиларнинг арз-ҳолини охиригача индамай эшитарди-да, кейин томоғини қириб қўярди. Агар бояги одам унинг бу имосини ҳадеганда тушуна қолмаса маъноли қилиб қаттиқроқ йўталар ва столни чертиб-чертиб қўярди. Илтимосчи бу гал ҳам бошлиқнинг муддаосини тушунмаса «қариндош, мушук офтобга бекорга чиқмайди», дерди. Ана шундан кейин ҳамма нарса тезда ҳал бўларди: бунақа тонфадаги одамни кўрмаганлар нафси ўпқон бошлиқнинг шаънини қора ер қилганича чиқиб кетар, бироқ ўртада олди-берди бўлса ҳам фойда чиқишини кўзлайдиганлар эса бу имо-ишоралардан кейин Киричанский билан бемалол оғизбурун ўпишаверарди.

Қўшработлик А. Одилов шу тариқа Борис Романович қўйган тузоққа илинди. Одилов кўпдан бери паспортини прописка қилолмай сарсон бўлиб юрган эди. Киричанский унга «мушук қай пайтларда офтобга чиқишини» тушунтирган эди, Одилов бошлиқнинг чўнтагига беш юз сўм солиб қўйди.

Киричанский А. Одиловнинг «патини юлиб» бўлгач, ҳар куни ҳузурига келавериб безор қилиб юборган Соли Ўринов дегани билан қандай ҳисоб-китоб қилса бўларкин, деб бош қотира бошлади: «Одам дегани ҳам шунақа содда бўладими?— дерди у ичида. — Ҳар гал келганида безрайиб тураверади. Қуруқ қошиқ оғиз йиртишини унга қандай тушунтирсам экан-а?..».

Киричанский Ўринов ҳақида ўйлаётган пайтида эшик очилди-да, қўлини кўксига қўйганича бир киши кириб келди. У ўзининг Нажмиддин Мамедов эканлигини, асли Самарқанд районидан бўлиб, колхозда ишлаётганини айтаркан, Боғишамол район уй-жой хўжалиги трести план-техника бўлимининг инженери Давронбек Камоловнинг номини жуда ҳам эшилиб тилга олди. Уни бу ерга ўша Камолов йўллаганмиш, туппатузук бир квартира бор, фақат ёнғин тушиб, ремонталаб бўлиб турибди, эпласа бўлади, деганмиш...

— Ўзингиз бир акалик қилиб юборасиз-да, Борис Романович,— деди у бошлиққа ялиниб. — Гарчи қўй кўрмаган бўлсак ҳам қий кўрганларданмиз, яхшиликни эсдан чиқармаймиз.

— Сиздан угина, биздан бугина демоқчисизда-а? Бўпти, жуда мард экансиз, мен розиман.— Борис Романович пихиллаб кулди. — Бироқ ўша квартирани ўз ҳисобингиздан ремонт қилишга рози бўласизми?

— Нажмиддин розилигини билдирди. Сўнг келишилган пайтда яна Киричанскийнинг ҳузурида пайдо бўлиб, столга роппа-роса 2100 сўмни қўйди. Шундан кейин бошлиқ унинг илтимосини хамирдан қил суғиргандек осонлик билан битириб берди.

Кунларнинг бирида Борис Романовичнинг қулоғига самарқандлик Ольга Ерхова деган аёл марҳум тоғасининг квартирасини ғайриқонуний тарзда эгаллаб олди, деган «хушхабар» етиб келди. Анчадан бери ўзининг ҳам шунақа ғалваларни тополмай томоғи тақиллаб юрган пайтлари эди. Дарҳол бунақа ишларда сирдош бўлиб қолган Давронбек Камоловни чақиртирди-да, Ерхованинг устидан бир қулочли акт туздирди. Иссиқ жойини совутишни истамаган Ольга қонун-қоидани жон-жаҳди билан «ҳимоя» қилаётган бошқарма раҳбарларининг оёғига йиқилгудек бўлиб, ёлворишга тушди. Унинг тузоққа илинганига ишонч ҳосил қилган Киричанский билан Камолов дарҳол беш бармоғини бараварига столга қўйишди: «Беш юз. Қанча ёрдам керак бўлса ана ундан кейин бераверамиз».

Омади юришган Нажмиддиннинг қанчалик севинганини, Ольганинг эса кўз ёшларини тўхтатолмай ноилож рози бўлганини ўйларкан, Борис Романович ҳузур қилганидан энтикди. Бироқ бу ҳузур ҳали унинг молдунёга бўлган ҳирсини унчалик қондиролмаётган, жиғилдони бўлса каттароқ луқмага интиқ эди. «Дарвоқе, анави Ўриновдан жиндек бўлса ҳам бирор нарса ундиришнинг иложи йўқмикан?— деб ўйларди у — Балки, энди у билан очиқчасига гаплашавериш пайти келгандир? Аммо, сўзлашганда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Кўринишидан ичимдагини топ дейдиган одамга ўхшайди». У шунга аҳд қилди ва эртаси куни Соли Ўринов кабинетига кириб келганида гўё уни умрида биринчи марта кўраётгандек жойида «қилт» этмай ўтираверди.

— Ука, — деди Ўринов мулойимлик билан, — доим ўзингизни танимаганликка оласиз-а, бунча тошбағир бўлмасангиз?..

— Хўш, нима хизмат? — Киричанский минғирлади.

— Ахир, кўпдан бери оиламизда ҳаловат йўқолганини, ўғлимнинг қайнонаси инжиқроқ аёл бўлгани учун бизлар билан чиқишмай қолганини илгари ҳам тушунтирган эдим-ку...

— Қизиқ одам экансиз,— Борис Романович лабини бурди. — Бу ер бунақа можароларни текширадиган жой эмас, милицияга боринг.

— Бердисини айттунча шошманг-да, ука, — Соли Ўринов ҳам бир оз қизишди. — Қисқаси, қудамизни бошқа уйга кўчирмоқчимиз.

— Афсуски, ихтиёримда бўш квартира йўқ.

— Ўзим бунинг ғамини еганман,— Ўринов илжайиб қўйди. —Карл Маркс кўчасидаги 80-уй 13-квартирада яшайдиган опа-сингил Нияра ва Регина Раймондлар эртаиндин Ленинградга кўчиб кетишаркан. Улар билан тил топишганмиз, фақат ўзингиз бир оз қўллаб юборсангиз бўлгани. Инсофимиз бор, қуруқ қўймаймиз.

Айниқса, кейинги икки оғиз сўз заҳар сочиб ўтирган Борис Романовични мумдек эритиб юборди. У Ўриновни «эртага хабар олинг» деб жўнатиб юборди-да, Давронбекка телефон қилди. Ошнаси етиб келгач, биргалашиб Раймондларнинг ҳузурига боришди ва квартира 8-уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси ихтиёрига топширилганлиги тўғрисида акт тузишди. Ана шу ишлар битгач Киричанский эртаси куни Ўриновнинг қўйнига қўл солиб кўрди:

— Гапнинг очиғи, райижроком билан зарур ҳужжатларни расмийлаштиргунча она сутимиз оғзимизга келди. Энди буёғи қандай бўларкин? — У Ўринов «кўнглингизга ўтирганини сўрайверинг» деганини эшитиб, дадиллашди ва гапида давом этди. — Сизга ҳам жабр бўлмасин, уч минг сўм етиб қолар. Ахир, луқмаи ҳалол дегандай...

Эртаси куни чошгоҳда столи тортмасида ҳалиги «луқмаи ҳалол» пайдо бўлганидан кейин Борис Романович зарур ҳужжатларни тайёрлаб, уни Е. Тўрақуловнинг паспорти билан Давронбекка топширди: «Буёғи энди сизга ҳавола. Райижрокомга бориб эплаб келасиз».

Бироқ Давронбек Камолов бу гал эпполмади. Райижроком раисининг ўринбосари Шуҳрат Одилов Тўрақулова номига расмийлаштирилган ҳужжатларни қатъиян рад этди. Киричанский учун ҳамма кўргилик ана шундан кейин бошланди. У бошини қаерга уришини билмай қолди. Шундан бери ишхонасига бўйнидан боғлангандек хоҳлаб-хоҳламай, бир амаллаб бориб-келиб юрибди. Кабинетига кирди дегунча гўё милиция ходимлари бостириб келаётгандек ва уни жавобгар қилиш учун олиб чиқиб кетаётгандек туюлаверади. Киричанскийнинг юрак ўйноғи касали қачонгача давом этаркан? Бу саволга фақат тегишли органларгина жавоб бера олади.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОБ-ҲАВО

Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Навоий областларида ёғингарчилик бўлмайди, айрим ерларга туман тушади, кечаси 12—17, Навоий областининг шимолида 20 даражагача, кундузи 7—12 даража совуқ бўлади. Сурхондарё областида ёғингарчилик бўлади, кечаси 0—5 даража совуқ, кундузи ҳарорат 0 даража атрофида, Фарғона водийсида қор ёғади, кечаси ва кундузи 2—7 даража совуқ, қолган территорияларда кечаси туман тушиб, қор ёғади. Кечаси 8—13, кундузи 4—9 даража совуқ бўлади.

Тошкентда кечаси бироз қор ёғади, кундузи ёғингарчилик бўлмайди, кечаси 8—10, кундузи 4—6 даража совуқ бўлади.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Борис Григорьевич Мирзабеков ва ўртоқ Сахоб Рашидов пенсияга чиққанларнинг муносабати билан уларни Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосарлари вазифасидан, ўртоқ Наман Бўрихўжаев эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР ҳостиция министри вазифасидан озод қилди.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

АҲОЛИ ТЎЛОВЛАРИ БЎЙИЧА НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Сизларнинг ҳар бирингиз ой сайин квартира, коммунал хизматлар, газ, электр энергияси, телефон, болаларнинг болалар муассасасида бўлганлиги учун ҳақ тўлаш ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун омонат кассаларига кирасиз. Айни вақтда жамғармачиларнинг топшириғига кўра, омонат кассалари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан исталган тўлов турлари бўйича нақд пул ўтказилмайдиган ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Нақд пул ўтказилмайдиган ҳисоб-китоблар омонат кассалари томонидан якка тартибда, шунингдек узоқ муддат давомида, токи топшириқ бекор қилинмагунча бажарилади.

Нақд пул ўтказилмайдиган ҳисоб-китоблар тўғрисида топшириқни омонат кассасига жамғармачининг шахсан ўзи бериши ёки почта орқали маълум қилиши мумкин.

Бундай топшириқни расмийлаштириш учун лозим бўлган бланкаларни исталган омонат кассасидан олиш мумкин.

Жамғармачи омонат кассасига келиши биланоқ, унинг счетидан ўтказилган маблағлар омонат дафтарчасига ёзиб қўйилади.



ДАВЛАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудир ва кичик илмий ходим: инфекцион патологияда клиник иммунология ва биоэлементлар;

катта илмий ходим: вабо;

катта ва кичик илмий ходимлар: ичак касалликлари диагностикаси методларини такомиллаштириш, санитария-эпидемия станциялари ишини прогноз қилиш, арбовирусли касалликлар;

кичик илмий ходимлар: қорин тифи эпидемиологияси ва бошқа сальмонеллезлар, ўткир ичак касалликлари этиологиясини ўрганиш, сальмонеллезлар диагностикаси ва клиникаси.

Конкурс муддати — 5 февралгача.

Ҳужжатлар конкурс қоидаларига мувофиқ равишда қуйидаги адресга юборилсин: 700133, Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 42-32-22, 42-32-15.

●

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ТОШКЕНТ ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ **Лабораториялар бўйича**

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: қон препаратлари, илмий-тадқиқот ишларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш группаси (фан кандидатлари);

кичик илмий ходимлар: бактериал препаратлар (1), биохимия, озиқлантириш муҳити, биотехнология (2), илмий-тадқиқот ишларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш группаси.

Конкурс муддати — 12 февралгача.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 93-уй. Телефонлар: 55-81-06, 55-81-04.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

19, 20 январь соат 20.00 да

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ

Камолиддин РАҲИМОВ

иштирокида

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

Турдиали САЪДУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Рустам ҲАМРОҚУЛОВ

«ҚЎЙЛАНГ ХОНАНДАЛАР» телевизион конкурсининг лауреатлари:

Фотима КАРИМОВА, Салима КОРИЕВА, Муҳаммаджон НУРИДДИНОВ

Наманган область Навоий номидаги музикали драма театрининг солистлари.

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт зали кассасида соат 14.00 дан сотилади.

●

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/I да **Дон Кихот**, 19/I да **Дон Карлос**, 20/I да **Фирибгарнинг найранглари** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

●

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

19 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ЯНГИ ПРОГРАММА

«ШАРҚ ЮЛДУЗЛАРИ» КОЛЛЕКТИВИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

Томоша соат 19.30 да; шанба кунлари 16.00 ва 19.00 да, якшанба кунлари соат 13.00, 16.00 ва 19.00 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР ФА вице президенти, академик Ю. А. Овчинников билан учрашуви. 10.20 — Концерт. 11.00 — Она. Бадиий фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Рус тили. 16.30 — Ўрмондаги ўтлоқда. 16.55 — Телефильм. 17.25 — Совет қўшиқларидан концерт. 17.55 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Ҳамдўстлик. 20.05 — Ҳужжатли фильм. 20.25 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 21.30 — Время. 22.05 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 23.20 — Дунё воқеалари. 23.35 — Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий оммабоп фильм. 11.05 — 11.35 — Илмий-оммабоп фильм. 14.10 — СССРнинг монументал санъати. 15.55 — К. Симонов. Шеърлар. 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Музикали киоск. 19.30 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — С. Есенин. Анна Снегина. 21.30 — Время. 22.05 — Жон Графтони кутинг. Бадиий фильм. 1—2 серялар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.20 — Болалар учун фильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Сайловлар олдидан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Урал тундрасида. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.05 — СССР халқ артисти, кинорежиссер Шуҳрат Аббосов билан учрашув. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.45 — МТ-II. 18.20—Телефильм. 18.50 — Қуёш ботиши олдидан. Фильм-спектакль. 2-серия. 20.00 — Тошкент янгиликлари. 20.20 — Совет Иттифоқи шаҳарлари. 21.00 — Сайловдан сайловгача. 21.30 — МТ-II.

19 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20— Поэзия. 11.05 — Киноочерк. 11.35 — Ўртоқ қўшиқ. 12.20 — Москвичка. 13.50 — Оила ва мактаб. 14.20 — Чеховга саёҳат. 15.20 — Дунё воқеалари. 15.35 — Мультфильм. 15.45 — Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати. 16.15 — Бутунжаҳон енгил атлетика ўйинлари. 16.45 — Ю. А. Жуков суҳбати. 17.15 — Ҳайвонот оламида. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — А. С. Грибоедов. Ақллилик балоси. 21.30 — Время. 22.05 —Фильм-концерт. 23.15 — Бутунжаҳон енгил атлетика ўйинлари. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлай десангиз. 9.25 — РСФСР халқ артистлари Н. Большакова ва В. Гуляев рақсга тушадилар. 9.55 — Сиз яратган боғ. 10.25 — Тонгги почта. 11.10 — В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1 — СССР-2 терма командалари. 11.50 — Велосипед бўйича СССР чемпионати. 12.15 — Саёҳатчилар клуби. 13.15 — ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.15 — Концерт. 14.45 — Балли қизлар. 16.45 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. Динамо (Москва) — Сокол. 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 19.30 — Халқаро обзор. 19.45 — Сиз бунга қодирсиз. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. Химик — МАСК. 23.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Ҳужжатли кино экрани. 11.10 — Шаҳмат мактаби. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Л. Қаюмов. Қалдирғоч. Телеспектакль. 13.40 — Фарғона область СССР 60 йиллиги номли Қува мебель комбинати қошидаги «Гўзал» ашула ва рақс ҳаваскорлик ансамблининг концерти. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Болалар учун. Санъат гунчалари. 19.00 — Фан уфқлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Катталар учун мультфильмлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Қишлоқ чорвадорлар учун масъулиятли давр. 22.20 — Экранда кинокомедия «Қайнона».

РАДИО

18 ЯНВАРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Буюк ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Алмашлаб экиш ва ҳосил. 19.25 — Ёшлик. 21.15 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

19 ЯНВАРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 9.30 — Ёшлик. 10.15 — Гулшан. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун музикали программа. 14.00 — Меҳнатдан келган обрў. 17.00 — Музикали радиопочта. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.25 — Ёшлик. 21.00 — Ҳозирги босқичда қоявий кураш. 21.10 — Шанба оқшомида. 22.30 — М. Ниёзов қўшиқлари.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.

А. — 15.
Р. 09030.

Индекс 64583.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12